КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 13 (3241). | Чоршанба, 19 январь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII съезди шарафига вахтада туриб меҳнат қилаётган М. Аюпова шу кунларда ажойиб муваффақиятлар қўлга киритмоқда. У 13 йилдан бери Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ишлаб келаяпти. Моҳир ишчи доимо сифатли заготовкалар тайёрлаб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонаётир. Смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, коллектив ютуғига-ютуғ қўшаётир. Суратда: ўртоқ М. Аюпова иш устида.

В. Ковалевский фотоси.

ТЕЖАМКОР ТОКАРЬ

Токарь Эркин Муҳсинов металл қириндилари орасидан синиқ парчаларни териб олди-да, бир четга тўплаб қўйди.

— Ишлатаётган «Т5К6» маркали кесич асбобим синган эди, териб олаяпман, — деди у мастер Ғолиб Қурбоновга. Ахир қимматбаҳо металл қириндиларга аралашиб йўқ бўлиб кетса, кишининг жони ачиркан.

— Баракалла, — деди мастер, — ишдан чиққан асбобларнинг бошқа турларини ҳам эҳтиёт қилиб менга топшир. Уларни яна қайта тиклаймиз. Иқтисод соҳасида катта-кичик нарса бўлмайди. Боболаримиз тома-тома кўл бўлур деб бежиз айтишмаган-да.

Шу бўйи заводнинг 2-асбобсозлик цехида ишдан чиққан кесич асбобларни қайта тиклаш участкаси ташкил қилина бошланди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили шу тадбир билан 50 тонна қимматбаҳо металлни иқтисод қилиб қолиш мумкин экан.

Йигув цехида бошқа бир янгилик туғилди. Мана, инженер Равил Латипов бўёқ тайёрлаш ускунасини қўздан кечириб турибди. Ҳамма қисмлар жой-жойига ўрнатилган. У цех бошлиғи Б. Рапопортга юзланди-да:

— Борис Натанович, бўёқ тайёрлайдиган янги ускуна фойдаланишга шай, — деди.

Шу кунгача турли рангдаги бўёқлар кичик-кичик идишларда тайёрланар ва кўп қисми фойдаланилгандан сўнг идишлар остида қолиб кетиб исроф бўларди. Янги ускуна ишга тушиши билан идишдан-идишга бўёқ қуйиш, вақтни ва маҳсулотни йўқотиш ҳолларига чек қўйилди. Ҳозир ҳар ойда 35 килограмм бўёқ иқтисод бўлаяпти. Бу билан қўшимча тракторлар қисмларини бўяш имкони туғилди.

Корхонамизда ҳозир москвалик ва ленинградликлар ташаббуси бўйича кўпгина ишлар қилиняпти. Биз уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилдик, холос. Металл ва материалларни тежаш бўйича бошланган кураш қизғин тус олмоқда. Қатор янгиликлар яратилмоқда.

С. ТУЛАЕВ,
Х. ОЛИМЖОНОВ,
Узбекистон трактор-йигув заводи ишчилари.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Т. АБДУРАҲМОНОВ «Ташкенткабель» заводининг кабеллар цехида бригадир. У бошчилик қилаётган коллектив КПСС XXIII съезди шарафига бошланган вахтада туриб қунлик топшириқларни ортиғи билан бажармоқда. Шу билан бирга кўпгина хомашёни иқтисод қилиб қолмоқда. Бригада январь ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ иқтисод қилинган хомашё ҳисобига бир неча юз метр кабель ишлаб чиқарди. Суратда: пешқадам бригада бошлиғи Т. Абдураҳмонов.

М. Нуриддинов фотоси.

СОВҒА

«Чирчиксельмаш» заводи қуюв цехида яна бир қулайлик яратилди. Монтажчилар бу ерда янги транспортёр монтажини тугалладилар. Энди иссиқ тупроқни элеваторсиз етказиб бериш системасини жорий этиш имкони туғилди. Ҳозир цехда вентиляция ускуналари ўрнатиш ҳам тугалланай деб қолган.

Ишчилар учун яратилган бундай қулайлик меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяпти, янги беш йилликнинг биринчи йилида культиваторлар ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 1600 та, кўрак териш машиналари тайёрлаш эса 500 тага кўпаяди. Бундан ташқари кўрак чувиш машиналари барабанларини ҳам энди шу ерда хромлаш имкони туғилди. Машинасозлар бу процессни бажарувчи янги ускуналарни ўрнатишган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Драгомир Кольдер бошлиқ Чехословакия Коммунистик партияси партия ходимлари делегацияси КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, КПССнинг халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик соҳасидаги иш тажрибаси билан танишмоқ учун 17 январда Москвага келди.

Шереметьево аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Рудаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети машинасозлик бўлимининг мудири В. С. Фролов, КПСС Марказий Комитети бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари Б. И. Гостев, А. Ф. Кудряшов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари кутиб олишди.

Делегацияни Чехословакия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси Олдржих Павловский билан элчихона ходимлари ҳам кутиб олдилар.

Битимга қўл қўйилди

ТОКИО, 17 январь. (ТАСС). Япония билан СССР ўртасидаги товар оборoти ва тўловлар тўғрисида 1966—1970 йилларга мўлжалланган битимга бугун Япония пойтахтида дастлабки тартибда қўл қўйилди.

Совет томонидан битимга совет делегациясининг раҳбари, СССР ташқи ишлар министрлиги Шарқий жанубий Осиё ва Яқин шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ бошқармасининг бошлиғи В. Б. Спандарьян, Япония томонидан Япония ташқи ишлар министрлиги иқтисодий бўлимининг мудири Иосихиро Накаяма қўл қўйдилар.

Битим шу ой ичида Москвада имзоланади.

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ХОДИМЛАРИ ЭКОНОМИКАНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Тошкент область партия комитети ҳузурида ташкил қилинган иқтисодий билимлар халқ университетида машғулотлар бошланди. Профессор А. М. Аминов КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари асосида саноатда иқтисодий ислоҳот ўтказиш тўғрисида лекция ўқиди.

Университетда область, шаҳар ва район партия комитетларининг, шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг ҳамда шаҳар комсомол комитетларининг ходимлари саноат ва қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганадилар. Тингловчилар саноат корхоналарида иқтисодий планлаштириш техникаси билан, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарали бўлишини ошириш ва халқ хўжалиги экономикасининг бошқа масалалари билан танишадилар.

Область партия комитетининг секретарлари факультетларнинг раҳбарлари қилиб тасдиқланди. (ЎзТАГ).

КИНО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Кино кишининг дўсти, энг яхши маслаҳатчиси ва мураббийсидир. Уни каттаю-кичик баравар севиб томоша қилади. Чунки, кино инсонга тўғри ҳаёт йўлини кўрсатади. Эстетик завқ бағишлайди. Ҳаётни, дам олиш пайтларини киносиз тасаввур қилиш қийин. Санъатлар ичида энг севимлиси бўлган кино жамиятнинг маънавий ҳаёти, дунёқараши, билим даражасини кенгайтиришда, миллион-миллион кишиларнинг тушунчаси, коммунистик онги, идрокини ўстиришда қудратли таъсирчан воситалардан биридир.

Кининг қудратли таъсир кучига юксак баҳо бериб, Владимир Ильич Ленин «Барча санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинодир» деган эди.

Бугунги кунда кино партиянинг актив ёрдамчиси ҳисобланади. Кино хизматини яхшилашда катта тажриба орттирганмиз. Кинотеатр совет кишиларининг энг севимли жойига, маданий ҳордиқ, маънавий озуқа оладиган жойига айланган.

Партия, совет касаба союз ва комсомол ташкилотлари тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишда кино хизматидан дуруст фойдалана бошладилар. Шаҳар ва қишлоқларимизда кино тармоқлари кенгайди.

Ҳозир областимизда 49 та шаҳар кинотеатрлари ва 240 та қишлоқ киноустановкаси, шу жумладан 54 та кўчма киноустановка ишлаб турибди. Булардан ташқари касаба союзлар ихтиёридаги 138 та киноустановка ҳам аҳоли хизматида.

Ана шу кинотеатр ва установкаларда аъло даражада хизмат қилаётган ишчан ҳодимларимиз оз эмас. Чирчиқ шаҳридаги Навоий номли кинотеатрнинг В. Зубенко бошлиқ киномеханиклар группаси яхши хизматлари эвазига коммунистик меҳнат коллективи номини олишга сазовор бўлди. Бўстонлиқ зонасида хизмат қилаётган киномеханик В. Гилмитдинов ҳам томошабинларнинг ҳурматини қозонган.

Бироқ, айрим қишлоқларда маданий-оқартув ишлари, айниқса аҳолига кино хизмати кўрсатиш ҳозирги талаблар даражасида эмас. Аввало, ҳамма колхоз-совхоз қишлоғида ҳам кинотеатрлар мавжуд эмас. Баъзи бир жойларда клублар бошқа мақсадларда банд бўлгани учун ҳам унда кинофильмлар намойиш қилинмайди. Қишлоқларнинг узоқ участкалари, чорвадорлар, чўпонлар истиқомат қилаётган яйловларга кино етиб бормайди. Жумладан, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг «Чанги», шу райондаги Свердлов номли колхознинг Энгельс номли участкаларида бир неча ойлаб кинофильмлар намойиш қилинмайди.

Шунингдек, Оққўрғон районида аҳоли яшайдиган 105 йирик пункт бўлса, шунинг 38 тасида кино кўрсатиш мумкин. Қолган пунктларга кўчма кино бориши керак. Аммо кўчма кино ҳамма пунктларга ҳам боравермайди.

Аҳолининг кино хизматига бўлган талаби тобора ўсиб бораяпти. Кинофикация ходимлари олдида йўл қўйилган бундай камчиликларни бартараф этиш, аҳолига кино хизмати кўрсатишни ҳар қачонгидан ҳам яхшилаш вазифаси турибди. Аввало кино тармоқларини кенгайтирайлик. Партия ва совет ташкилотлари ҳамда колхоз правленилари, совхозларнинг дирекциялари ёрдамида шунга эришайликки, ҳар бир колхоз ва совхозда, камида 50—100 хўжалик яшайдиган участкада 150—200 томошабинга мўлжалланган қишин-ёзин ишлайдиган кино тармоғи бўлсин. Аҳоли кам яшайдиган узоқ яйловларга эса тез-тез кўчма кино чиқиб туриши керак.

Кино хизмати маданиятини оширишда кадрлар асосий роль ўйнайди. Ўз касбини севадиган, ишда масъулият ҳис этиб, оммага сидқидилдан хизмат қиладиган кадрларни етиштирайлик. Намуна кўрсатиб ишлаётган ишчан киномеханикларни рағбатлантириш ва уларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш зарур.

Кинофильмлар репертуарини тузганда томошабиннинг дидини ҳисобга олиш, Ватанимиз ва ватандошларимиз ҳақидаги қардош республикаларимиз ҳаётини ифодаловчи кинокартиналарни кўпроқ планлаштиришга эътибор бериш зарур.

Кинотеатр ва установкаларнинг аҳолига хизматини яхшилашда жамоатчилик ва айниқса, комсомол ташкилотлари ҳамда халқ маорифи ходимларини кўпроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир кинотеатр ҳузурида жамоатчилик советлари тузиш зарур. Бу советлар составига турли ташкилотлар комсомол, мактаб-маориф ходимларидан, кинони севувчи актив кишилардан жалб этиш керак. Улар кинотеатр маъмурнятига кинони пропаганда қилиш, фильмларни танлаш, планлаштириш ишларида яқиндан кўмак беришлари лозим.

Коммунистик қурилиш вазифалари ҳар бир совет кишисидан унинг бутун куч ва қобилияти, ғайратини ишга солишни талаб этади. Совет кишиларини ижодий ва яратувчилик ишларига сафарбар этишда, янги коммунистик жамият кишисини тарбиялашда кино жуда муҳим тарбиявий қуролдир. Бу қудратли қуролдан моҳирлик билан фойдаланайлик, аҳолига кино хизмати кўрсатишни юксак даражага кўтарайлик.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АНТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 17 январь. (ТАСС). Ҳиндистон газеталари Индира Гандининг Голландия телевидениеси вакили билан қилган суҳбатини бугун босиб чиқардилар. Тошкентдаги учрашув натижаларига қандай баҳо берасиз, деган саволга жавоб қайтариб, Индира Ганди қуйидагиларни айтди: «бу биринчи қадам ва менинг фикримча, яхши қадамдир, мен бу қадам Ҳиндистон билан унинг қўшниси ўртасидаги муносабатларни яхшилашига ишонаман. Ҳиндистон ва Покистоннинг ўз тараққиётида экономика соҳасида ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиши муҳимдир».

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ БАЖАРИЛМОҚДА

КАРАЧИ, 17 январь. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Покистондаги олий комиссари Кевал Сингх ўз вазифаларини бажармоқ учун бугун Карачига келди.

Тошкент Декларациясига ёзиб қўйилган қарорга мувофиқ, иккала мамлакатда дипломатик миссияларнинг нормал фаолияти тикланади. Уларнинг фаолияти икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кескинлашганлиги сабабли узиб қўйилган эди.

Покистоннинг Ҳиндистондаги олий комиссари ўз вазифаларини бажаришга 12 январдан киришди.

СССР ва Финляндия касаба союзларининг ҳамкорлиги кенгаймоқда

ХЕЛЬСИНКИ. Совет касаба союз делегацияси Финляндияда бир ҳафтага яқин меҳмон бўлиб турди. Совет касаба союз арбоблари Финляндия-Совет касаба союз комиссиясининг ҳар йили ўтказиладиган мажлисида иштирок этдилар. Мажлисда ВЦСПС билан Финляндия касаба союзлари Марказий бирлашмасининг 1965 йилги ҳамкорлигига якун ясалди ва 1966 йилги ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Совет делегациясининг аъзолари Хельсинкидан ташқари, Тамперада ва Лахтида бўлдилар. Улар бу ерда корхоналарнинг ишчилари, шунингдек, касаба союз арбоблари билан учрашдилар. ВЦСПС раиси, делегация составида бўлган В. В. Гришин ТАСС мухбири билан суҳбатда шундай деди: Финляндия-Совет касаба союз комиссиясининг бирлигида олиб борган иши ҳамжиҳатлик ва Совет-Фин касаба союзлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга бўлган интилиш белгиси остида ўтди.

БОННИ АДМИРАЛИ НАТОНИНГ ШТАБ-КВАРТИРАСИДА

ОСЛО, 18 январь. (ТАСС). Норвегиядаги Колсос шаҳрида НАТОнинг Шимолий Европа зонасидаги штаб-квартираси бор. Ғарбий Германия милитаристлари шу штаб-квартирадан узларига олий мартабали лавозим берилишини кўпдан бери талаб қилар эдилар. Ҳозир уларнинг бу талаби бажо келтиридли. Ғарбий Германия адмирали Т. Эрдман 20 январдан бошлаб штаб бошлиғининг ўринбосари ва оператив бўлим бошлиғи лавозимига тайинланди.

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

КОТОНУ, 17 январь. (ТАСС). Нигериядан олинаётган сўнгги хабарлар мамлакат пойтахти Лагосда аҳвол нормалланиб келаётганини кўрсатади. Шаҳарда ҳокимият генерал-майор Ироиси бошчилигидаги армия бўлинмалари қўлида турибди. Лагос кўчаларида осойишталик ҳукм сурмоқда, бироқ, шаҳарга олиб келувчи ҳамма йўлларни аскарлар қаватқават саф тизиб, тусиб олган.

Генерал-майор Ироиси «Федерал ҳарбий ҳукумат» тузилганлигини кеча радио орқали маълум қилди. Ана шу ҳукумат пойтахтда ва унинг атрофидаги жойларда тартиб ўрнатиш чораларини кўрмоқда, Нигерия-нинг йўлини қолган бош министри Балевани қидириб топишга ҳаракат қилмоқда. Лагосда айланиб юрган овозларга қараганда, Балева билан молия министри Окотие-эбони қўлголончилар Шарқий Нигериядаги Калабар шаҳрига олиб кетган эмишлар.

Мамлакатнинг қолган қисмидаги аҳволга келганда, у ерлардаги вазият ҳозирча равшан эмас. Қўзголончиларнинг асосий кучлари Шимолий Нигериянинг маъмурий маркази бўлган Кадуна шаҳри атрофига тўпланаётгани хабар қилинмоқда. Қўзголончиларнинг кучларига майор Чуквума Кадуна Изгву қўмондонлик қилмоқда. Бундан сал илгари Лагосдаги ҳукумат маъмурлари уни ўлдирилди, деб хабар тарқатган эдилар. Кадунадан олинаётган маълумотларга қараганда. Изгву тузган «Олий революцион кенгаш» у ердаги аҳволни ҳамон контрол қилиб турибди.

Майор Изгву кеча кечкурун шаҳарда ҳарбий ҳолат жорий қилибди.

Айни маҳалда Лагосда қўзголончилар Ғарбий Нигериянинг сиёсий раҳбари Аволовони турмадан озод қилиб юбордилар, деган овозлар тарқалди. Аволово 1963 йилда давлат тўнтариши қилишга уринди, деган айб билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.



Занжибар шаҳридаги госпиталь Ленин номига қўйилган. Революциядан сўнг Занжибар оролида меҳнаткашларга бепул медицина хизмати кўрсатиш жорий этилган.

Мусаэльян фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЖЕНЕВА БИТИМЛАРИ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛДИ

ХАНОЙ, 17 январь. (ТАСС). «АҚШнинг буйруқларига асосан Таиланд қўшинларининг Камбоджа чегара постларига яқинда қилган ҳужумлари жиддий ҳарбий ивоғарлик бўлиб, Ҳинди-Хитой тўғрисидаги 1954 йилги Женева битимларини қўпол равишда бузишдир», — дейилади Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти чет давлатлар билан алоқалар комиссиясининг баёнотида. Бу баёнотни Вьетнам информация агентлиги тарқатди.

Таиланд территорияси, деб таъкидланади баёнотда, АҚШнинг ҳарбий плацдармига айлантирилиб, у ерда 30 та аэродром, 10 та ҳарбий денгиз ва ракета базаси барпо этилди.* Бундан ташқари, Таиландга Америкининг 10 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиси жойлаштирилиб, улар Шимолий Вьетнамга қарши нун сайин қилинаётган диверсияларда ҳамда Камбоджа билан Лаосга қарши ивоғарликларда қатнашмоқда.

МАРОКАШЛИК ҲОЖ МУҲАММАД БИН БАШИР 166 ЁШДА ВАФОТ ЭТДИ

ПАРИЖ, 17 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: марокашлик Ҳож Муҳаммад Бин Башир кеча Касабланка шаҳрида 166 ёшида вафот этди. Бин Баширнинг 35 ўғил-қизи ва 152 набираси бор. Унинг катта ўғли 110 ёшда. Бин Башир узоқ умри давомида беш марта уйланган ва энг кейинги хотинидан 5 та боласи бор. Муйсафид димлаб пиширилган сабзавотлар билан овқатланар эди. У чекмас ва спиртли ичимликлар ичмас эди.

Сўнгги видолашув

СЕРГЕЙ ПАВЛОВИЧ КОРОЛЁВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

Москва меҳнаткашлари 18 январда энг йирик совет олими, ернинг биринчи сунъий йўлдошлари ва космик кемалар конструктори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, академик Сергей Павлович Королев билан сўнгги марта видолашдилар.

Пойтахтнинг неча минглаб меҳнаткашлари Қизил майдонга тўпланишди.

Кундуз соат 1. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, олимлар, космонавтлар, Совет Иттифоқи маршаллари, министрлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари мавзолей минбарига чиқадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан, дафн этишни ташкил қилиш комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов мотам митингини очади.

Ўртоқ Смирнов Сергей Павлович Королевнинг оддий инженердан академик даражасигача босиб ўтган шонли йўлини таърифлаб беради.

СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш минбарга чиқади. Бизнинг мамлакатимиз ва бутун жаҳон фани, дейди М. В. Келдиш, шундай олимдан жудо бўлдики, барча замонлардаги фан ва техниканинг энг буюк галабаларидан бири-инсониятнинг космик фазони ўзлаштириш даврининг бошланиши унинг номи билан абадий боғлиқ бўлади.

Сергей Павлович Королев космик фазони тадқиқ этишнинг асосий босқичларини қўлга киритишни таъминлаган ракета-космик системаларнинг энг йирик конструктори эди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши яратилиб, космик даврга асос қўйилди. Космик фазонинг физик хоссаларини ўрганишда янги даврни вужудга келтирган кўп йўлдошлар яратилди. Ой томон биринчи марта парвоз қилинди. Ой атрофидан учиб ўтилди ва Ойнинг кўринмас томони фотосуратга олинди, космик йўлдош кемалар яратилиб, инсон биринчи марта космосга парвоз қилди, инсон бўш космик фазога биринчи марта чиқди.

С. П. Королев ўзининг бутун ҳаётини ўз ватанига фидокорона хизмат қилишга, мамлакатимизнинг илғор фани ва техникасини ривожлантиришга бағишлади. Сергей Павлович тўғрисидаги, унинг фан ва техникани ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси тўғрисидаги хотира халқимизнинг қалбида ва жаҳон фани тарихида абадий сақланади.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев ўз нутқида оғир мусибат — мамлакатимизнинг энг йирик олими ва атоқли конструктори Сергей Павлович Королев бемаҳал вафот этганлиги муносабати билан Москва меҳнаткашларининг қайғу ва аламларини изҳор қилади.

Сергей Павлович Королевнинг ҳаёт йўли, дейди ўртоқ Егоричев, биз учун социалистик ватанга, Коммунистик партияга, коммунизм қураётган улуғ совет халқига фидокорона хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси бўлиб қолади.

СССРнинг биринчи космонавт учувчиси Юрий Гагарин Сергей Павлович Королёв тўғрисида самимий меҳр-муҳаббат билан сўзлайди.

У, дейди Гагарин, космосга парвоз қилган вақтимизда бизларни узатиб қолар, жонажон совет тупроғимизга қайтиб келганимизда бизни кутиб олар эди. Биз бениҳоя оғир мусибатга учрадик. Аммо, барча совет мутахассислари, совет космонавтлари Сергей Павлович ўзининг шонли ҳаётини бағишлаган ишни ўсишмай давом эттириб, ривожлантираберадилар. Унинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Мотам митинги тамом бўлди. Марҳумнинг ҳоки солинган қути Кремль девори ёнинга келтирилади ва артиллерия салюти садолари остида тоқчага қўйилади. Тоқча қора мармар плита билан ёпилади. Мармар плитага олтин ҳарфлар билан шу сўзлар ёзилган:

СЕРГЕЙ ПАВЛОВИЧ КОРОЛЕВ
30 19 XII 06 — 14 19 I 66

Майдонда Совет Иттифоқи гимни садолари янграйди. Ҳарбий бўлинмалар мавзолей олдида қор билан копланган майдонда ўтадилар. Улар совет халқининг шонли фарзандига сўнгги ҳурматларини бажо келтирадилар. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

Марксча-Ленинча назарияни ўрганувчиларга ёрдам

ЛЕНИН МЕРОСИ — ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси В. И. Ленининг ўлмас асарларини тўплаб, уларни аввалаб сақлаб нашр қилмоқда. КПСС-нинг ана шу ғамхўрлиги ва олиб бораётган иши туфайли Ленин асарларининг буюк ғоявий хазинасидан фақат мамлакатимиздагина эмас, балки ундан ташқаридаги кенг меҳнаткашлар оммаси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг қарори бўйича нашр қилинаётган В. И. Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламини босиб чиқариш тугалланди. Бу эса партия ва халқимиз, жаҳон коммунистик ҳаракати, бутун прогрессив инсониятнинг ғоявий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Тўла асарлар тўпламида Владимир Ильичнинг бутун адабий мероси тўпланган. Бу нашрда жами 9 мингга яқин ҳужжат (яъни тўртинчи нашрдагига нисбатан икки баравар кўп) эълон қилинган.

Янги нашрнинг аввалгиларидан яна бир фарқи шундаки, унга таҳрирдан босқичида бўлган материаллар — мақола ва нутқларнинг планлари, конспектлар, хотира учун ёзиб қўйилган қайдлар ҳам киритилган. Улар Ленин фикрининг ижодий лабораториясига олиб киради, у ёки бу қоидалар қандай келиб чиққани, ривожланганлиги ва аниқланганлигини кўрсатади. Қатор ҳолларда эса ана шундай тайёргарлик материалларида асосий асарларда бўлмаган қоидалар ҳам учрайди.

Маълумки, Владимир Ильич ўз асарларини ёзиш давомида жуда катта тайёргарлик ишларини олиб борган. Масалан, унинг «Россияда капитализмнинг тараққиёти», «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» асарларига доир тайёргарлик материаллари катта китобларни ташкил этади. Ленин ўз асарларини ёзишда жуда катта тайёргарлик кўрганлигини қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин: унинг асарларида цитата келтирилган ва эслатиб ўтилган адабиёт 16 минг номдан иборат бўлиб, уларнинг 12 мингга рус тилида, 4 мингга эса чет тилларда ёзилган китоблардир. Ёзишмалар Ленин адабий меросининг таркибий қисмидир. Тўла асарлар тўпламида улар 10 томни эгаллайди. Ёзишмаларда Ленининг образи, унинг инсоний фазилатлари ёрқин кўринади. Шу билан бир вақтда ҳуда кўп мактублар муҳим назарий қоидаларни ҳам ўз ичига олади.

В. И. Ленининг Тўла асарлар тўпламида мингдан ортиқ ҳужжат биринчи марта эълон қилинди. Уларнинг кўплари Владимир Ильичнинг партияни тузиш ва уни мустаҳкамлаш, партиянинг энг муҳим ҳужжатлари — Устав, биринчи ва иккинчи Программаларни ишлаб чиқиш соҳасидаги, партия турмуши нормалари ва партия раҳбарлиги принципларини ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолиятини акс эттиради. Ленининг антипартиявий оқимлар ва группаларга қарши курашини характерлаб беради.

Ленининг Прага ва Циммервальд конференцияларида қилган ва биринчи марта нашр қилинган доклад ва нутқлари катта қизиқиш тугдиради. Ленин, баъзи бир большевиклар шиор ва сўзларни кўрқ ёдлаб оладилару, лекин шароитни анализ қилиш ва нозик тактика ўтказишни билмайдилар, деб уқдириб, шу даврда ёзган ўз хатларидан бирида бундай деб ёзади: «Подполье» сўзини билиб олганлар. Жуда яхши биладилар. Қайта-қайта такрорлайдилар. Ёддан биладилар. Лекин янги шароитда унинг формаларини қандай ўзгартириш кераклигини, бунинг учун қай тарзда бошқатдан ўрганиш ва ўйлаш кераклигини биз тушунмаймиз».

Тўла асарлар тўпламига айниқса РКП (б)нинг X съездига тегишли қатор янги ҳужжатлар ҳам киритилган бўлиб, улар Ленининг партия сафларининг бирлиги учун, пролетариат диктатураси шароитида антипартиявий фракцион группаларга қарши курашини характерлайди. У «қандай қилиб бўлса ҳам фракциячиликни илдизи билан суғуриб ташлаш» вазифасини қўяди.

Тўпламга кирган янги ҳужжатлар Ленининг раҳбарликда коллективчилик принципини турмушга қанчалик изчил жорий қилганлигини кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан Ленининг Иоффега ёзган хати айниқса аҳамиятлидир. Иоффе Владимир Ильичга ёзган хатларидан бирида гўё Марказий Комитет унга одил муносабатда бўлмаётганлигидан хафа бўлиб, Ленинни партия Марказий Комитети билан тенглаштириб қўйган эди. Ленин унга қатъий жавоб берди: «Сиз «Марказий Комитет — менинг ўзим» деб қайта-қайта (бир неча марта) ёзиб хато қиласиз. Фақат жуда асабий қаттиқ чарчаган ҳолдагина бундай деб ёзиш мумкин». (Асарлар, 5 нашр, 52-том, 100-бет).

Владимир Ильич раҳбарликда коллективчилик принципини амалга ошириш билан бир вақтда ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган ишга шахсан жавоб бериши зарурлигини доимо таъкидлар эди.

Янги ҳужжат ва материалларда Ленининг чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши вақтида мамлакат мудофаасига, халқ хўжалигини тиклаш ва дастлабки социалистик қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги улкан фаолиятни ўз ифодасини топган. «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» мақоласидаги қатор бобларининг дастлабки варианти катта қизиқиш уйғотади. Уларда Ленин иқтисодий вазифани ҳал қилиш муҳимлигини кўрсатиб, бу вазифа Совет давлати фаолиятидаги асосий ва ҳал қилувчи вазифа эканлигини уқдиради.

В. И. Ленининг хўжаликни юргизиш принциплари тўғрисидаги, экономикани бошқаришда бутун ишни илмий асосга қуриш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалари янги материаллардан жой олган бўлиб, улар катта аҳамиятга эга. Ленин моддий манфаатдорлик принципини социализм қурилишининг туб принципларидан бири деб ҳисоблаган. Ленин бу қоидани «Октябрь революциясининг тўрт йиллигига» мақоласида ривожлантириб бундай таълим беради: улуғ революция вужудга келтирган энтузиазмни шахсий қизиқиш ва манфаатдорлик билан, хўжалик ҳисоби билан қўшиб олиб бориш лозим. «Бусиз ўнлаб ва ўнлаб миллион кишиларни коммунизмга олиб бораолмайсиз» (Асарлар, 5-нашр, 44-том, 151-бет).

Тўпламга биринчи марта киритилган материалларда Ленининг централизмни маҳаллий ташаббус билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини уқдириб, демократик централизм принципини бутун халқ хўжалигини ташкил қилишнинг асосий раҳбарлик принципи сифатида ҳимоя қилганлиги кўрсатилади. У ҳар қандай маҳаллийчилик, анархосиндикалистик кўринишларга кескин қарши чиққан. Шу жиҳатдан унинг «Национализация қилинган корхоналарни бошқариш тўғрисида «Низом» лойиҳаси юзасидан фикрлар»и муҳим аҳамиятга эга.

«Коммунизм, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — бутун мамлакат бўйича энг кўп марказлаштирилган йирик ишлаб чиқариш бўлишини талаб қилади ва тақозо этади. Шунинг учун Умумроссия марказига ҳеч шубҳасиз, маълум тармоқдаги ҳамма корхоналарни ўзига бевосита бўйсундириш ҳуқуқини бериб, қўйиш зарур. Область марказлари ўз вазифаларини маҳаллий турмуш ва ҳоказо шароитларга қараб марказнинг умум ишлаб чиқариш қўрсатма ва қарорларига мувофиқ белгилаб оладилар». (Асарлар, 5-нашр 36-том, 392-бет).

Ленин меҳнат унумдорлиги, меҳнат интизоми, социалистик мусобақани ташкил қилиш ва ривожлантириш, бюрократизм ва бепарволикка қарши курашга катта аҳамият берган. «Биз ана шу билан ғалаба қозонамиз» деб уқдирган эди у. Хўжаликни бошқаришни ташкил қилишда кишиларни танлаш ва ишрони текширишни биринчи ўринга қўяр, корхоналарнинг рентабел ишлашини, бутун хўжаликнинг илмий жиҳатдан асосланган планларга мувофиқ юритилишини талаб қилар эди. Партиямиз мамлакат халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда ана шу ленинча кўрсатмаларга амал қилмоқда.

Биринчи марта эълон қилинаётган қатор янги ҳужжатлар Ленининг Совет давлати ташқи сиёсатига раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятини акс эттиради. Бу ҳужжатлар Ленининг агрессив империалистик доираларининг хатти-ҳаракатларига қарши, Совет республикасининг жаҳонда биринчи социалистик давлат сифатидаги халқаро обрўсини ошириш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган тинимсиз курашини ифодалайди. Ленин совет дипломатларини ўз мамлакатларининг обрўси ва манфаатларини кўз қорачўғидай сақлашга ўргатди. Шу билан бирга Ленин турли социал ижтимоий тузумга мансуб бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципига амал қилиб, Совет давлатининг тинч ташқи сиёсатини изчил ва оғишмай амалга оширди.

* * *

В. И. Ленининг Тўла асарлар тўпламига халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат масалаларига доир кўпгина янги ҳужжатлар ҳам киритилган. Уларда доҳийнинг ишчи ва коммунистик сафларни пролетар интернационализми принциплари асосида бирлаштириш учун, тарихий шароит ва вазиятни ҳисобга олган ҳолда оқилона революцион тактика ўтказиш учун, курашнинг ҳамма формаларидан моҳирона фойдаланиш учун олиб борган курашн акс этади, Бу ҳужжатлар Ленининг жаҳон коммунистик ҳаракатида ўнг оппортунизм, реформизм ва айни вақтда «сўлликка» қарши, авантюризм, догматизм ва сектанчиликка қарши курашини ёрқин ифодалаб беради.

Тўпламга биринчи марта Коминтернинг учинчи Конгресси (1921 йил) билан боғлиқ бўлган материаллар— нутқларнинг планлари, кенгашлардаги нутқлар, тезислар лойиҳаларига билдирилган фикрлар киритилган. У «сўллар» томонидан олга сурилган «ҳужум назарияси»га қарши чиқди. Бу назариянинг моҳияти шунда эдики унга кўра партия доимо ҳужум учун зарур объектив шароитлар бор-йўқлиги билан ҳисоблашмай туриб ҳужум тактикасини қўлланиши лозим эмиш.

Ленин революцияни жуда пухта қилиб, жуда эҳтиёт бўлиб тайёрлаш зарурлигини, марксистик тактикани қўллашга ўрганиш зарурлигини уқдирган эди. (Асарлар, 5-нашр, 44-том, 445-бет).

Ленин, империализмга қарши курашда революцион кучларни жипслаштириш, коммунистик сафларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ва пролетар интернационализми принципини оғишмай изчил амалга ошириш коммунистларнинг бош вазифасидир, деб таълим беради. Ана шу ленинча қоидалар ҳозирги шароитда бутун жаҳон коммунистик ҳаракати учун муҳим аҳамият касб этади.

Ленин барча мамлакатлардаги ишчиларнинг бирлиги империализм устидан ғалабани таминлашда ҳал қилувчи шартдир, деб ҳисоблаган. Владимир Ильич пролетар интернационализмини характерлаб бундай деб ёзган эди: «Амалдаги интернационализм битта ва фақат биттагинадир. У ҳам бўлса: ўз мамлакатингда революцион ҳаракатнинг ва революцион курашнинг ривожланиши устида фидокорона ишлаш, истисносиз барча мамлакатларда худди шундай курашни (пропаганда билан, ҳайриҳоҳлик билан, моддий жиҳатдан) қўллашдан иборатдир». (Асарлар, 5-нашр, 31-том, 170-бет).

Ленин васиятларига содиқ бўлган партиямиз пролетар интернационализми принципини изчил амалга оширмоқда, ана шу принцип асосида, революцион марксизм-ленинизм асосида жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги учун курашмоқда.

В. И. Ленининг ўлмас ғоялари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги миллионлаб меҳнаткашларнинг байроғи ва амалий қўлланмасидир. Бу ғоялар ўз социал ва миллий озодлиги учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган халқларни илҳомлантирмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларини чуқур очиб берган буюк Ленин таълимоти меҳнаткашларни тинчлик ва тараққиётнинг реакция ва уруш кучлари устидан ғалабасига, бутун дунёда социализм ва коммунизмнинг муқаррар ғалабасига комил ишонч билан қуроллантирмоқда.

Г. ОБИЧКИН,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти директорининг ўринбосари.

Олмалиқдаги мис эритиш заводи коллективи москвалик ва ленинградлик ташаббускорлар изидан бориб кўплаб электр энергияси, хом ашё ва материалларни тежаб қолишга эришмоқда. Тежалган ресурслардан кўплаб мис эритишга муваффақ бўлаётган илғорлар ҳозир корхонада оз эмас. Суратда: оной печи эритувчилари М. Латипов (чапда) ва Ш. Нешемев ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар мис эритиш смена топшириқларини ортиғи билан адо этишляпти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАРОВСИЗ КЎЧАЛАР

Кенг асфальт кўча бўйлаб елдек учиб бораётган машина қурувчилар посёлкаси томон бурилди-ю, беш юз қадамча ҳам юрмай гилдираги дўқ этиб чуқурга тушди. Сўнг икки марта зарб билан силкинди-да гўё уринишининг фойдаси йўқлигига ишонч ҳосил қилгандек, моторининг товуши ўчди. Мен худди гуноҳ иш қилиб қўйган боладек орқа томонда жимгина ўтиримман.

— Ҳеч кўчамизга сон кирмади-кирмади-да, шоферга ачиниб шундай деганимни биламан, у: «Э биродар, кўчангизнинг феълини билар экансиз, нима қилдингиз мени шу йўлга бошлаб», — деб тўнғиллади, сўнг кабинадан чиқиб, эшикни зарда билан тақ этиб ёпди.

Нима қилиш керак? Шофернинг ҳақини бериб, ташлаб кетаверай десам, одамгарчиликдан эмас, кетмай десам, машина ҳали-бери ўрнидан жилмайдиган...

Нимасини айтасиз, мана беш йилдирки, Чирчиқ бинокорлари посёлкасининг кўчалари ана шу аҳволда. Бу кўчани ремонт қилиш ҳақида шаҳар раҳбарларига арз қилавериб, оёқда оёқ қолмади. 1960 йили жамоатчилик қўли билан кўчани текислаб, бир навига келтириб қўйган эдик. Орадан бир йил ўтгани йўқ. Шаҳар сув хўжалигидан келган устабузармонлар водопровод кранлари ўтказишди-ю, кўчани тузатишни унутиб қўйишди. Шундан кейин биз яна ўз кучимиз билан кўчани текисладик. Энди қутилдик деганда, «Горгаз»дан келган ўртоқлар кўчани яна бузиб, газ қувури ўтказишди. Шунда посёлка аҳолиси, мана энди водопровод ўтказилиб бўлди, газ баҳонаси билан кўчамиз ҳам ремонт қилиниб қолса, ажаб эмас», — деб севиниб юришди.

Афсуски шундай бўлмади. Улар трубани ётқизишди-ю, лекин қувурларни ёпишни ўзимизга ташлаб кетаверишди. Тўғри, шаҳар коммунал хўжалиги бўлими бу қувурларни номигагина кўмиб берди. Лекин текисланган йўқ. Шу сабабли ҳаво айниб, осмондан шир этиб ёмғир тушди, дегунча бу кўчага машина зоти киролмайди.

Борди-ю, «тез ёрдам» керак бўлса, унда қандай бўлади, деб сўраб қолишингиз мумкин. «Тез ёрдам»дагилар посёлканинг помини эшитишгач, машинасиз пиёда югуришади.

Хўш, ўз меҳнати билан осмонўпар бинолар барпо этаётган қурувчилар посёлкасидаги бу кўчаларни ким ремонт қилиб беради? Уни ободонлаштириш ҳақида ким қайғуради? Бу саволга шаҳар Советидан жавоб кутамиз.

Т. ТУРДИАЛИЕВ,
бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИДА

КАФЕДРАНИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

Бу йил институтнинг анорганик химия кафедраси олдида катта вазифалар турибди. Эски йилнинг ҳисоби—янги йилнинг китоби дегандек, кафедра аъзолари бу ишга ўтган йилнёқ киришган эдилар. Институт ўқитувчиларининг илмий-техник конференциясида тадқиқотларнинг дастлабки натижалари ижобий баҳоланди.

Шунингдек, кафедранинг Ленинграддаги селикатлар институти билан ҳамкорликда «Анорганик моддалардан толалар олиш» деган темада олиб бораётган тадқиқоти ҳам муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Доцент Ш. Исҳоқов ва ассистент М. Саидориповалар эса ўзбек группалари студентлари учун лаборатория ишлари қўлланмасини тузадилар. Бу қўлланма анорганик химия фанини амалиёт билан боғлаб ўрганишда студентларга яқиндан ёрдам беради.

«ЭКЗАМИНАТОР»

Ўтган ўқув йилида институтнинг кўпчилик кафедраларида «Қалдирғоч» машинасидан кенг фойдаланилди. Бу ҳол олиб борилган машғулотларнинг таъсирини ҳам мазмунли бўлишини таъминлади.

Мана энди бу ерда яна бир янгилик амалга оширилиш арафасида турибди. Ҳа демай программали ўқитиш кабинети ишга тушади. Бу кабинетда «экзаминатор» машинасидан кенг фойдаланилади.

Кўринишидан телевизорга ўхшаш бу машина студентлардан «имтиҳон» олади. Яна бир афзал томони шундаки, «экзаминатор» орқали турли консультациялар уюштириш ҳам мумкин.

Программали машина билан иш олиб бориш учун янги лаборатория ҳам очилади.

«ОЛТИН МЕДАЛЬ» ОЛГАН МАШИНА

Йигирув лабораториясига яқинда янги агрегат ўрнатилди. «ПК-100 М» маркали бу машина Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида тайёрланган.

Ўтган йили Чехословакиянинг Брно шаҳрида «Техника тинчлик ва тараққиёт хизматида» деган шиор остида ўтказилган халқаро ярмаркага завод ана шу мукаммал агрегати билан қатнашди. Халқаро ярмаркада бу машина «олтин медаль» билан тақдирланди.

Янги тўқимачилик машинаси мамлакатимиздаги кўпгина корхоналарда фойдаланишга тавсия этилди. Институт лабораториясига ҳадя этилган «ПК-100 м» машинасининг бу нусхаси тажрибадан муваффақиятли ўтди.

А. АЛИЕВ.

ҒИШТ НЕГА СИФАТСИЗ?

Бугунги Тошкент катта қурилиш майдонидан иборат. Ҳозир пойтахтимизнинг бирор чеккаси йўққи, у ерда янги бино қад кўтармаётган бўлсин. Сўнгги йиллар ичида Тошкентимиз ва областимизнинг бошқа шаҳарларида шинам турар-жойлар, қувватли саноат корхоналари, маданий-маиший бинолар қурилди. Янги массивлар бунёд этилди. Албатта улар ўз-ўзидан қад кўтармаяпти. Қурилаётган иморатларнинг деярлик барчасига ғишт керак. Тошкентдаги 1, 3 ва 5-ғишт заводлари бошқармалари қурилишларни ана шу бинокорлик материали билан таъминлаб келмоқда.

Корхоналарда тайёрланаётган ғиштларнинг сифати қандай? Бинокорлар талабига жавоб беряптими? Шуни айтиш керакки, заводлар ишлаб чиқараётган ғиштлар кўп ҳолларда сифатсиз бўлмоқда. ГОСТ стандарти даражасида бўлмайди. Шунинг учун ҳам бинокорлар корхоналарга рекламациялар ёзмоқдалар. Ғиштнинг қурилиш учун нобоплигидан нолимоқдалар.

Хўш бунга, ким айбдор? Аввало, шуни айтиш керакки, ғишт заводларида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига тўла-тўкис риоя қилинмайди. Кўп ҳолларда операциялар бузилиб туради. Барча заводлар бўйича «100» маркали ғиштдан 30-45 процент, «75» маркали ғиштдан 68-53 процент «50» маркали ғиштдан эса 2 процент тайёрлаш белгиланган. Шуларнинг 2-3 проценти план бўйича бракка чиқиб кетиши керак. Аммо кўрсатилган топшириқ ба жарилмаяпти. Барча имкониятлар ишга солинмаяпти. Бунинг устига корхоналардаги ускуналарнинг эскилиги ва қувватсизлиги ҳам сифатли материаллар ишлаб чиқариш имконини бермаяпти. Аввало, ғишт сифатидан кўз-қулоқ бўлиб турадиган техника контроли бўлими лабораториялари замонавий ускуналарга камбағал. Ғиштнинг намлиги, механик жиҳатдан чидамлилиги, хомашёнинг таркиби ва бошқа томонлари юзаки анализ қилинади. Хомашёнинг кераклик-технологик хоссаларини лаборатория синовдан ўтказа олмайди. Бошқа технологик масалаларни ҳал этишга ҳам у ноқобил. Оддий химиявий анализлар ўтказиш бўйича контроль ўлчов асбоблари етишмайди. Айрим корхоналарда бундай контроль-ўлчов асбоблари мутлақо йўқ.

Сўнгги ўн йил давомида 1, 3 ва 5-ғишт заводлари бошқармаси корхоналари формовка учун масса тайёрлаб берадиган бирорта ҳам янги агрегат олгани йўқ. Оддий запас қисмларни айтмайсизми. Асосий технологик ускуналар учун улар етишмайди. Собиқ бинокорлик материаллари саноати бошқармасига қарашли ремонт-механика заводи ғишт заводлари бошқармаларининг заказларини тайёрлаб бериш қувватига эга эмас. Айниқса валлар етказиб бериш ёмон аҳволда. Кесувчи ярим автоматларни созлаш ва қисмларини алмаштириш масаласи ҳамон ҳал этилмай келинаяпти. Корхоналарда марказлаштирилган қуритиш рейкалари йўқ. Ҳар бир завод бу масала билан ўз билганича шуғулланишга мажбур бўлмоқда.

Бир неча йилдирки корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот сифати бир даражада турғун бўлиб қолмоқда. Ўсиш кўринмайди. Тўғри, 3-ғишт заводлари бошқармаси табиий газ билан ишлашга ўтгач, маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Лекин бошқа корхоналарда шундай ўсиш кўринмаяпти. Айниқса 5-ғишт заводлари бошқармасида маҳсулот сифати юқори талаблар даражасида бўлмаётир.

Бракка қарши кураш борасида техника контроли бўлимлари нима иш қилмоқда, деб сўрарсиз балки. Техника контроли бўлимлари лабораториялари замонавий приборларга эга бўлмаганлиги ва асосий технологик ускуналарнинг йўқлиги натижасида маҳсулот сифатини ошириш бўйича мунтазам равишда кураш олиб бороляпти. Тўғри, бу масала бўйича бир катор тадбирлар кўриб чиқилди, улар амалга оширилди ҳам. Кўрилган тадбирларнинг ичида формовка учун масса тайёрлаш ишида индивидуал ҳисоб-китобнинг жорий этилишигина дурустроқ натижа берди, холос. Бу тадбир яримфабрикатлар тайёрлашда кишиларнинг масъулиятини оширди. 3-ғишт заводлари бошқармасида ҳар хафтанинг чоршанбаси «Сифат куни» ҳам деб эълон қилинди. Шу куни корхона ишчи, инженер-техник ходимлари белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини текширувдан ўтказдилар. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар бердилар. Бу соҳа бўйича махсус группа ҳам ҳаракатда бўлди. Аммо қозонда бўлмагандан кейин чўмичга чиқиши қийин экан.

Маҳсулот сифатини аъло даражага кўтариш учун аввало масса тайёрлаб берадиган агрегатларни замонавий унумли машиналар билан алмаштириш лозим. Кесувчи ярим автоматлар қувватини ошириш керак. Қуритиш рейкалари хўжалиги ва вагонетка паркини тартибга келтириш, қўшимча ускуналар олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Собиқ республика халқ хўжалиги кенгаши бу пишиб етилган масалалар билан вақтида шуғулланмади. Лекин давр даъватига қулоқ солмоқ керак. Янги ташкил этилган республика бинокорлик материаллари министрлиги ғишт заводларини юксалтириш, қурилиш материаллари сифатини ошириш бўйича қаётий тадбирларни амалга оширади, деган умиддамиз.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми саноатни ривожлантиришнинг янги уфқларини очиб берди. Планлаштиришни такомиллаштириш, корхоналарда ишлаётган ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва улар учун қулай иш шароити яратиб бериш билан ютуқларга ютуқ қўшиш мумкин. Тегишли ташкилотлар партиямиз Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширишда ғишт заводлари бошқармаларига ёрдам беришлари керак.

Ҳозир областимиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари бўйлаб москвалик ва ленинградлик саноатчилар ташаббуси кенг қанот қоқмоқда. Ғишт заводлари коллективлари ҳам ташаббускорларга йўлдош бўлмоқлари лозим. Бу заводларда хомашёларнинг кўплаб тежаш йўллари бор. Мавжуд резервлар ишга солинса, цехлар қўшимча ускуналар билан бойиса кўзланган маррага тезроқ эришар эдик. Ғиштлар сифати учун ҳамма жавобгар бўлсин. Шунда биноларимиз ҳам пишиқ, элу-юртга манзур бўлади.

К. АСТАФЬЕВ,
Б. ДЛИ,
Ўзбекистон ССР Госстройи қурилиш моддий техника базасини ривожлантириш бўлими инженерлари.

Антонина Жданова элни кийинтиряпти. У Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб фақат аъло сифатли газламалар тайёрлашга эришмоқда. Пешқадам ишчи шу кунларда КПСС XXIII съезди шарафига вахтада туриб смена топшириқларини ортиғи билан адо этяпти. Шу билан бирга иш давомида бракка чек қўйиб, кўплаб материалларни тежаб қолишга ҳам муваффақ бўлмоқда. Суратда: ўртоқ А. Жданова.

В. Сироткин фотоси.

Суратда: депутат ўртоқ Б. Нуров сайловчилар билан суҳбатда.

Отахон

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Тез-тез сайловчилар билан учрашиб туриш, уларнинг истак, талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, қондириш — депутатнинг муқаддас бурчи. Депутат — халқ хизматкори, деб бежиз айтишмайди.

Бозор Нуров ўзи район Советига депутат қилиб сайланган «Ғулистон» колхозидаги 13-округда тез-тез бўлиб туради. Шунда сайловчилар одамларга дилкаш, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлган ана шу кишига ҳеч тортинмай ҳар хил масалаларда мурожаат қилаверишади. Депутат Нуров эса, қўлидан келган ёрдамини улардан ҳеч вақт аямайди.

Шундай учрашувларнинг бирида Низомий номли 44-мактаб ўқитувчилари унга шикоят қилиб қолишди.

— Мактабимизнинг ўқув-техника базаси мустаҳкам эмас, ўқув қуроллари, инвентарлар етишмайди, — дейишди улар. — Отахон, шу талабимизни юқори ташкилотлар олдига қўйиб, ижобий ҳал қилиб бўрсангиз.

Бозор ака ўқитувчилар талабини ерда қолдирмади, район Совети ижроия комитетига маълум қилди. Ижроком етарли маблағ ажратиб берди. Мактабга зарур ўқув қуроллари, инвентарлар сотиб олинди.

Бошқа бир учрашувда сайловчилар ўз депутатларидан қишлоқ йўлларини тузатиб, асфальт ётқизишда ёрдам беришини илтимос қилишди. Бозор Нуров «Ғулистон» колхози ва тегишли қурилиш-ремонт ташкилотлари раҳбарлари билан учрашиб, масаланинг ижобий ҳал қилинишига эришди. Бу иш ҳам тўла-тўкис бажарилди.

Ўртоқ Б. Нуров салкам ўттиз йилдан бўён район молия бўлими мудири бўлиб ишлайди. Мана шу йиллар мобайнида у район халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашга ва юксалтиришга узлуксиз ҳисса қўшиб келмоқда.

Ташаббускор, ишчан депутат Бозор Нуровни кўпгина далаларда, фермаларда ҳам учратиш мумкин. У деҳқончилик ва чорвачилик аҳволи билан мунтазам танишиб боради, маслаҳатлар беради.

Бозор ака яхши тарбиячи ҳамдир. У айниқса ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Айрим ўқувчилар арзимаган сабаблар билан мактабдан қолиб кетаётганидан хабар топгач, Бозор ака дарҳол бу масаланинг изига тушди. Хонадонларга бориб ота-оналар билан суҳбатда бўлди, уларга умумий таълим тўғрисидаги Қонунни тушунтирди. Бу тадбир яхши самара берди. Ўқувчилар мактаб қучоғига қайтарилди.

Қишлоқ депутати Б. Нуровнинг қизғин фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У ўз сайловчилари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Тез-тез қишлоқ Советларига бориб, сайловчиларни қабул қилиб туради. Иложи борича кишилар талабини қондиришга ҳаракат қилади.

«Ғулистон» колхози аъзолари шунинг учун ҳам уни ардоқлаб, ҳурмат қилиб, ўз депутатимиз, отахонимиз, дейишади фахр билан. Бозор ака эса ҳамиша шу ишончга лойиқ бўлишга интилади.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Деҳқончиликда ҳеч вақт об-ҳавонинг қулай келишига ишониб иш юритиб бўлмайди. Бир йил ҳаво қуруқ келса, бир йил сернам келади, бир йил ариқларда сув шаркираб оқса, иккинчи йили сув камчил бўлади. Лекин ҳамма вақт умид боғласа бўладиган бир омил бор. Бу — кадрлар ва деҳқончилик агротехникасидир. Қайси бир хўжаликда иш бошида малакали кадрлар турса, агротехника қоидаларига амал қилинса, мўлжалдаги ҳосил олинаверади.

Деҳқонларимиз, партия ва ҳукуматимиз бизга ҳамма имкониятларни яратиб бераётти, техника етарли, истаганча минерал ўғитни олишимиз мумкин. Шундай бўлгач, энди ортиқ қолоқликка чидаб туролмаймиз, деб ишга астойдил бел боғлашди. Умумий йиғилишда кўпни кўрган деҳқонлар, тажрибакорларнинг фикрини олдик. Улар энг биринчи навбатда бригадаларни мустаҳкамлаш керак, деган таклифни ўртага ташлашди. Худди шундай қилдик. Мавжуд бригада бошлиқларининг деярлик ярмиси янгиланди. Биз деҳқончиликда суяги қотган, агротехника, агрономия илмидан хабардор бўлган кишиларни бригадир қилиб тайинладик. Уларнинг ер шароити, етиштирадиган маҳсулотининг турларига қараб 50—100 гектаргача ер бириктирдик, техника билан таъминладик. Ҳосилнинг салмоғи ва сифатига қараб ҳақ тўлаш ҳақида келишиб олдик.

Аста-секин ишимиз юришиб кетди. Янгидан тайинланган бригада бошлиқлари ҳар бир ишни кўпчиликнинг маслаҳати билан амалга оширишди. Улар ишончни оклайдиган бошладилар. Мана, Сиддиқ Маҳмудовни олиб кўрайлик. Ўрта маълумотли, илғор, табелчи бўлиб ишларди. Бригадир бўлиб тайинланган, сабзавотчиликка яна ҳам меҳр қўйди. Эртаю кеч ўз аъзолари ёнида бўлди. Мен бригадирман, деб қўл қовуштириб тўрмай каттаю-кичик билан баравар меҳнат қилди. Одамларга ўзи намуна кўрсатди. Ҳамма ишга бир ёқадан бош чиқариб ёпишди. Ер ҳайдаш ҳам, экиш ҳам, парвариш ишлари ҳам сифатли бажарилганлиги учун бригада дастлабки йилиёқ яхши натижага эришди. Ишлаб чиқариш планини ошириб бажарди. Бригада аъзолари келгуси йилда янада баракали меҳнат қилиш учун курашдилар. Сабзавот, картошка ҳосилдорлиги ортаборди. Дастлабки йили ҳар гектаридан 11 тоннадан, 1963 йили эса 13 тоннадан, 1965 йилда сув камчил бўлишига қарамай 14 тоннадан картошка ҳосили олинди.

Бу бригада эришаётган ютуқларнинг сири нимада? Энг биринчи омили шундаки, бригадирдан тортиб оддий колхозчигача агротехника қоидаларига амал қилиб иш юритади: уруғлик яхши тайёрланган ерларга экилади, экинга вақтида сув қўйилади, вақтида ўтлан тозаланади. Ҳосил пишиб етилгунча пешма-пеш йиғиштириб олишга киришилади. Механизация бригада аъзоларининг оғирини енгил қилмоқда. Улар трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан ишнинг кўзини билиб фойдаланмоқдалар.

Учинчи далачилик бригадаси бошлиғи Қосим Ёқубжоновни ҳам каттадан-кичик яхши танийди, ҳурматлайди. Негаки, бу бригада бирон йил йўқки, планни ошириб бажармаган бўлсин. Мўл ҳосил етиштиришга тракторчи Адҳам Исматов қўшаётган ҳисса озмунча эмас. Адҳам ер ҳайдайди, экади, культивация қилади, ўғитлайди. Бу ишларни бажаришда техника унга мададкор бўлади. Шунинг учун ҳам у машинасини ҳамма вақт ардоқлайди. Ишга тушишдан олдин ҳам, ишдан кетиш вақтида ҳам тракторини ёбдон кўздан кечириб чиқади. Ҳалол меҳнат шон-шуҳрат келтирди унга. Ўтган йили у «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Рашид Раимов. Универсални ишлатишни ўрнига қўяди азамат. Рашид ишлов берган майдонларда бирон туп ҳам экинга шикаст етмайди, тупроқ ҳалимдек юмшатилади. Экин ҳаводан, озуқадан яхши бахра олиб, ҳосилдор бўлиб ривожланади. Меҳнат қилган кам бўлмайди деб шуни айтадилар-да. У область Советининг депутати. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Колхозимизда бундай жонкуяр ва эл манфаати йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиладиган деҳқонлар кўп. Ана шулар хўжалигимизни йилдан-йилга равнақ топиб, эл дастурхонига кўплаб мева ва сабзавот етказиб беришга ҳисса қўшаётирлар.

Юқорида ҳосилдорлик тўғрисида гапирган эдик. Бу бизнинг хўжалигимиз шароити учун энг асосий мезон ҳисобланади. Нега деганда бизда экин майдонларини кенгайтириш учун сира ҳам имконият йўқ. Лекин шунга қарамай йилдан-йилга сабзавот етиштиришни кўпайтиришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз. Бу вазифани бажаришнинг энг биринчи шарти эса деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва ҳосилдорликни оширишга эришишдир.

Деҳқонларимиз ҳар бир қарич ернинг қадрига етадилар. Ундан мумкин қадар кўп маҳсулот олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун биз ерни кузда белгиланган чуқурликда ҳайдаб қўямиз. Ҳар гектар ерга 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит, 300—400 килограммдан минерал ўғит ишлатилади.

Баъзилар сабзавотчиликда техникадан пахтачиликдагидек фойдаланиб бўлмайди, деб айтишади. Бу мутлақо нотўғри. Деҳқончиликни ҳам асосий ишларни техника гардонига юклаш мумкин. Буни биз ўз тажрибамиздан синаб кўрмоқдамиз. Сабзавот экинларининг кўпгина хилларини машинада экамиз, машинада культивация қиламиз. Бу белгиланган ишларни ўз вақтида бажариш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ёрдам бермоқда. Техника жонга аро киргандан сўнг уни сақлашга ҳам яхши эътибор бериш керак. Шу мақсадда биз ўтган йили янги автогараж қурдик, 40 та трактор учун автопарк қуриб битказилди. Тракторчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароит яратиб берилди.

Амалга ошираётган тадбирларимизнинг самарали натижасини кўриб ҳар бир колхозчи қувонади. 1964 йилда ҳар гектаридан 170 центнердан сабзавот, 300 центнердан қовун-тарвуз олдик. Ўтган йилги натижаларимиз эса улардан ҳам юқори бўлди.

Қовун-тарвуз ҳақида гап кетганда отахонларимиздан Наби ота Раимов, Ҳаким ота Раимовлар, ака-ука Абдукарим, Мели Эгамбердиевларни, албатта, тилга олишимиз керак. Улар шириншакар қовун-тарвуз етиштиришнинг усталари ҳисобланади. Улар ҳар йили ҳам қовун-тарвузлан мўл ҳосил етиштиришади. Гектаридан 350—400 центнердан хирмон кўтаришади.

Ҳосилдорлик ошгач, даромад ҳам кўпайиб борди. Деҳқонларимиз ўз меҳнатлари эвазига кўплаб пул, дон-дун олмоқдалар. Ўтган йили бир меҳнат кунига 2 сўм 30 тийиндан тақсимланган эди. Бу йил 3 сўмдан тақсимлашни мўлжаллаб турибмиз.

Янги бешйилликнинг биринчи баҳорини ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан қутиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Айниқса парник хўжалигида иш қизғин бораётир. Ҳозирга қадар 150 та ўрага 18 килограмм карам уруғи сепилди, бир ярим миллион тупдан ортиқ кўчат пикировка қилинди.

Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга ҳам катта аҳамият бермоқдамиз. Ҳар куни 40—50 тонна ўғит ташиб чиқарилмоқда. Ариқ-зовурларни ҳам деярлик тозалаб олдик. 100 гектардан ортиқ майдон эгат олиниб, экишга тайёрлаб қўйилди. Парник хўжалигида ишлаётган Эргаш Толипов, Тожибой Йўлдошев, Эшонбува Ниъматов, Муяссар Набиева, Ҳошим Қозоқбоев, далага ўғит ташиётган шоферлардан Олим Нишонов, Абдулла Шерматов, ўртоқларининг хизматидан айниқса мамнунмиз.

Қўклам экиш кампанияси бошланадиган кунлар узоқ эмас. Деҳқонларимиз экишга ҳамма нарсани шай қилиб қўймоқдалар. Биз илғорларнинг тажрибасини қўллаб, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиб беш йилликнинг биринчи йилида эл дастурхонига ҳар қачонгидан ҳам кўп мева ва сабзавот етказиб бериш учун курашмоқдамиз.

Н. САИДОВ,
Калинин районидаги «Москва» колхозининг ранси.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур деб тўғри айтганлар. Шунга амал қилаётган колхоз механизаторлари барча қишлоқ хўжалиги машиналарини мавсумга сифатли шай қилиб қўйиш учун курашмоқдалар. Суратда: колхоз устахонасида.

А. Абалян фотолари.

Колхознинг парник хўжалигида ҳар қачонгидай иш қизғин. У ерда эртаги карам, помидор кўчатлари етиштирилмоқда. Суратда: сиз иноҳолларнинг расад қилинаётган пайтини кўриб турибсиз.

МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Калинин районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг механизаторлари техника ремонтини сифатли ва ўз вақтида тугалладилар. Кўклам экиш кампаниясигача бўладиган ишларнинг деярлик ҳаммаси ҳозирнинг ўзида бажариб қўйилди.

Бунда комплекс механизациялашган звено бошлиқлари — тракторчилар ўрнак кўрсатдилар. Ўзларига беркитилган тракторларни сифатли ремонтдан чиқаришга ҳаракат қилдилар. 46 та ҳайдов ва чопиқ тракторининг ҳаммаси кўкламга шай бўлиб турибди.

Колхоз правлениеси ва касаба союз ташкилоти қишлоқ хўжалик асбоблари, экиш агрегатларини ремонт қилишда фаол қатнашган илғор мутахассислардан 37 кишига меҳнат отпускаси берди. Ёз бўйи тер тўкиб қилинган халол меҳнатларининг ғаштини суришади. Касаба союз ташкилоти ҳисобига 15 кун дам олишади. Уларнинг ҳар бири меҳнат отпускаларига 65 сўмдан 85 сўмгача ҳақ олишди.

Колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари Василий Пономарев, Диловар Аблакимовлар Қиримдаги, Илҳом Бематов Чортоқдаги санаторийларда даволанишмоқда. 10 механизатор эса Тошкент атрофидаги дам олиш уйларида бўлишади.

— Шуни ҳам қайд қилиш керакки,— дейди колхоз раиси Юсуф Файзиев, — колхозимизнинг ҳар бир аъзосининг унумли ишлаб, фаровон яшаши учун барча тадбирларни кўрмоқдамиз. Шунинг учун ҳам хўжаликда барча ишлар пухта бажарилади. Шу кунларда тупроқнинг биологик холатини яхшилашга, ҳосилдорлигини оширишга жиддий эътибор қилиняётир. Шу мақсадда ерга кўпроқ органик ва минерал ўғитлар солинмоқда. Ўғит ташишни намунали йўлга қўйиш юзасидан зарур чоралар кўрилган. Бу иш билан шуғулланадиган махсус бригада тузилди. Бунга 16 арава, 4 та прицеп ажратиб берилди. Бригада аъзолари фурсатни қўлдан бой бермай баракали меҳнат қилишаяпти. Улар қисқа вақт ичида хўжалигимизга ажратилган 360 тонна суперфосфат, 100 тонна селитрани ташиб келтиришди. Далага 2500 тоннадан эвёдроқ гўнг чиқаришди.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҚИШЛОВ НАМУНАЛИ ЎТЯПТИ

«Келес» совхозининг чорвадорлари соғин сигирлар боқувини яхшилаб, уларнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар. Ишчиларнинг ҳалол меҳнат қилишлари натижасида ўтган хўжалик йили муваффақиятли якунланди. Ҳар бир соғин сигирдан пландаги 2200 ўрнига 2300 килограммдан сут соғиб олиниб, зиммага юклатилган вазифа муваффақиятли бажарилди.

Чорва моллари қишловини намунали ўтказишда ва сут булоғини кўпайтиришда жуда кўп сут соғувчилар ғайрат қилишяпти. Айниқса, Моҳирахон Иноғомованинг иши бошқаларга ибратлидир. У сут соғиш юзасидан берилган топшириқни доимо ошириб бажармоқда. Ўзига биркитилган сигирларни яхши боқади. Шунинг учун ҳам сигирларнинг сути борган сари кўпайиб бормоқда. Аввалларн Моҳирахон ҳар бир сигирдан ўртача 2400 литрга етказиб сут соғиб олардн. Эндиликда эса у ҳар бош соғин сигирдан 2600 литрдан ошириб сут соғиб олаётир. Илғорлар тажрибасидан ўрнак олган Зарифахон Карнмова ҳам ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Чорвадорлар ем-хашакни тежаб-тергаб сарфламоқдалар. Силос, пичан ва бошқа озуқаларнинг нобуд бўлишига йўл қўйишмаётир. Шунинг учун ҳам чорва моллари семиз, сути кўп.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

БАРАКАЛИ МЕХНАТ

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашаётган Калинин районидаги Ильич номли колхознинг сабзавотчилари баракали меҳнат қилишмоқда. Деҳқонлар шаҳар аҳолисини мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга пухта замин яратмоқдалар. Ҳозир колхознинг парник хўжаликларида иш айниқса қизғин. Деҳқонлар парникдаги кўчатларни меҳр билан парвариш қилиб беғубор ўсишини таъминламоқдалар. Шу билан бирга кўчат ўтказадиган майдонларга кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарлптилар. Айниқса, бу ишда коммунист ўртоқ Сайфиддин Юсуфалиев бошлиқ бригада аъзолари ғайрат кўрсатишяпти.

З. ҚУДРАТОВ.

ҲАМ ВАҚТДАН, ҲАМ ЁҚИЛҒИДАН

Москва—Тошкент тезюрар пассажир поезди Арз станциясига 55 минут кечикиб келди. Станция ходимлари эум ўтмай поезд тепловозини ўзгартиришди. Кабинага Тошкент тепловоз депосининг биринчи класс машинисти Бегмат Эрматов ўтирди. Саидкарим Алиев унга ёрдамчилик қилди. Тошкентга етиб боргунча қай йўл билан бўлса ҳам 25 минутни қоплаш керак. Бўлмаса график бузилади, ўйлади машинист ҳаракат қисмларини кўздан кечираётиб. Саидкарим ҳам тормоз системаларини текшириб кўрди, бош ҳаво резервуарларида йиғилган сувни чиқариб ташлади. Ҳеч қандай нуқсон йўқ. Тепловоз эгарланган отдек сафарга тайёр.

Станция навбатчиси жўнаш учун сигнал берди. Двигателлар ҳарабилан бўлса ҳам 25 минутни қоплаш керак. Бўлмаса график бузилади, ўйлади машинист ҳаракат қисмларини кўздан кечираётиб. Саидкарим ҳам тормоз системаларини текшириб кўрди, бош ҳаво резервуарларида йиғилган сувни чиқариб ташлади. Ҳеч қандай нуқсон йўқ. Тепловоз эгарланган отдек сафарга тайёр.

Станция навбатчиси жўнаш учун сигнал берди. Двигателлар ҳаракатга келди. Тепловоз бир депсинди-да, вагонларни етаклаб оҳиста жилиб кетди. Машинист аста-секин тезликни ошира борди. Тошкент темир йўл бўлинмаси чегарасига етганда ўн беш минут вақт тежалган эди. Яна ўн минут ўрни қопланиши керак. Аммо бу минутларни тежашнинг ўзи бўлмайди.

Бегмат контролёрнинг сўнгги бўлимини ҳам босди. Тепловоз тортиш кучи яна ошди. Машинистнинг зийрак кўзлари соҳ йўлга, соҳ скорометр милларига боқарди. Тепаликлар бир-бир орқада қолмоқда. Тепловоз ҳавони ёриб тобора олга интилади.

Поезд Тошкент пассажирлар станцияси перронига келиб тўхтаганида соат стрелкаси 3.05 минутни кўрсатиб турарди. Станция навбатчиси машинистнинг қўлини маҳкам қисди-да:

— Яша чавандоз. Йўқотилган вақтни яна бизга қайтиб бердинг. Поездни ўз вақтида манзилга етказдинг, — деди...

Бегмат Эрматов кўп йиллардан бери тепловоз кабинасида. Илгари ФЗО мактабида ўқиган, паровоз машинистига ёрдамчи бўлган, сўнг поездларни мустақил бошқаришга киришган. Ўша-ўша кишиларни ёру-биродарлари ёнига элтади. Одамларнинг ҳожатини чиқаради. Ўзига ўхшаган машинистлар депода оз эмас. Лекин уларнинг кўпчилиги — В. Абдуқодиров, М. Абдураззоқов, А. Совельев каби машинистлар бир пайтлар Бегмат ака қўлида ҳунар ўрганишган.

Ҳозир машинистнинг катта ўғли ота изидан бораяпти. У дастлаб ишни слесарликдан бошлаган. Энди тепловознинг тузилиши билан қизиқаяпти. Келажакда отаси каби моҳир машинист бўлмоқчи. Ахир Бегмат ака тепловозни тез бошқариш бўйича эмас, кўплаб ёқилғини тежашда ҳам барчага ўрнак бўлмоқда-да. Ўтган йилнинг сўнггги икки ойи мобайнида унинг ишбилармонлиги билан 1500 килограмм ёқилғи тежаб қолинди. Шу кунларда моҳир машинист яна ҳам кўпроқ ёқилғини тежаб қолиш, вақтдан ютиш учун курашмоқда. Бу курашда Тошкент тепловоз депосининг бошқа машинистлари унга йўлдош бўлмоқда.

А. УСМОНОВ,
тепловоз машинисти.

ҒАЗАЛКЕНТДА

ҲОВЛИ ТУИЛАРИ

Шаҳарда турар-жой ва жамоат биноларн қурилиши кенг қўламда авж олдириб юборилган. Куни кеча кўли гул бинокорлар 44 квартирали турар-жой биноси калитларини бахтли оилалар қўлига бердилар.

ЯНГИ ЦЕХ

Консерва заводининг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бораяпти. Корхона яқиндан бошлаб янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Янги қурилган томат цехида йилига етти миллион банка томат ишлаб чиқариш мумкин.

Д. ЎРИНБОСАРОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ИШЧИЛАР САРОЙИ

ЧИРЧИҚ шаҳридаги химия машинасозлик заводининг маданият уйи яқинда маданият саройига айлантирилди. Шу сабабли бу маданият даргоҳида янги тўгараклар ташкил этилди. Айниқса, саройда ишлаб турган халқ хорига кўп киши актив қатнашмоқда.

Шуниси қувонарлики, халқ хори репертуари қисқа вақт ичида бир неча қўшиқлар билан бойиди. «Космик ога-нинлар», «Лирик оқшом», «Чирчиқ вальси» каби номерлар унинг репертуаридаги энг яхши асарлардан ҳисобланади.

— Чирчиқда талантли ҳаваскорлар кўп, — дейди ёш композитор В. Тягнибеда. — Ана шу талантлар кучи билан яқин келгусида Ўрта Осиё халқ хори ташкил этишга қарор қилинди.

Т. УРУНОВ.

МУЗИКА СИНФИ

ҲОЗИР бундай музика синфи пойтахтимиздаги фақат 3 та мактабда мавжуд. Киров районидаги 174-мактаб ҳузурида иш бошлаган мактаб музика синфи фаолияти ҳам жонланиб кетди.

Музика синфига музика ўқитувчиси Н. Акиншев раҳбарлик қилмоқда. Унинг ихтиёрида ўндан ортиқ рубоб ва турли миллий чолғу асоблари бор. Бундан ташқари бу ерга магнитофон ҳам ўрнатилган.

Музика синфи ўзининг бир неча тўгарагига эга. Шулардан бири ўқувчилар хоридир. Ҳозир унга 60 ўқувчи актив иштирок этмоқда.

А. АБРОРОВ.

ТАРБИЯЧИЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ОҚҚУРҒОН районида боғча ва яслилар тарбиячилари халқ университети иш бошлади.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотда райондаги 1-болалар боғчасининг тарбиячиси А. Евпашенко болалар тарбияси ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг қизғин саволжавоблар бўлди.

Университет ўзининг тематик планига эга. Университет машғулотлари ҳар ойда бир марта ўтказилади. Машғулотлардан сўнг бола тарбиясига оид фильмлар намойиш қилинмоқда.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

Дил қўшиғи

(ҲИКОЯ)

НАСИБА дугонасини қистайди:

— Бошламайсанми, қўшиғингни, ҳў, ана келяяпти!

— Қўйсангчи, ўртоқжон, тушунмаган одамга қўшиқ айтиб нима қилдим, — Гулноз ишора қилинган томонга бир қараб қўйди-ю ишида давом этаверди.

Йигит дала бўйлаб ўтди. Қизлар рўпарасига келганда бирдам тўхтаб «ҳормангларов», деди. У томондан «саломат бўлинг» деган қўшалоқ жавобни эшитгандан кейин ҳам юриб кетавермай, бироз ўша томонга қараб турди. Унинг бу ҳаракатини Насиба Гулнознинг қўшиғини қўмсаётганликка йўйди. Бу гапдан Гулноз, қизариб кетди, қоқюора қошлари пирпираб учди, кўзларидан ўт чақнади ва дугонасига:

— Вой ўлмасам, нега унақа дейсан, кўйе, — деди.

— Тилингизда шундай деганнигиз билан, дилингизда Муроджон акамлар томонга учай деб тургандирсиз, — Насиба бўш келмади.

Гулноз унга аразлаган, ўпкалагансимон бир қаради-ю «оббо, сеней» дегандек жилмайиб қўйди.

Муроджон қизларнинг ишига барака тилаб, йўлида давом этди. Гулноз Насибага қараб, у бутун вужуди билан ишга киришиб кетган эди. Пайтдан фойдаланиб қаддини ростлади-да Муроджон томонга тикилди. Насиба иккн-уч қадам жойга бориб қолганда секин қараса, Гулнознинг қўлида бир сиқим пахта, кўзлари ўшаёққа қадалган эди.

— Ҳа, қўлга тушдинг-ку Гулнозим, — деди маънолик оҳангда, — қўшиғингни бошлайвер энди...

— Эшитармиди энди — деди у афсусланиб.

— Айтавер ўртоқжон, эшитади, узоқроқ ердан айтсанг ҳам эшитади, — деди у Гулнозга ғалати қараш қилиб.

Орага жимлик чўкди. Дугоналар анча жойгача индашмай боришди. Насиба этакдаги пахтасини бўшатаётганда Гулнознинг қўнғироқдек жарангли овози эшитилди. У шундай бериліб куйлардики, гўё бутун борлиқ унинг қўшиғига маҳлиё... Бу қўшиқни эшитаётгани учун қушлар ҳам мамнун, ҳозиргина бақир-чақир бўлиб турган теварак-атроф сокин эди. Майин овоз поғонага кўтарилиб, пастга тушиб, яна кўтарилиб дилни қитиқловчи оҳангда пахтазор узра тараларди. Қўшиқ эгаси дили пок, фиқомат, гўзал табиат бир йигитни мадҳ қилар, унинг вафодорлиги, меҳрибонлигини улуғлар, не сабабдан шу пайт бечора қизнинг юрак торларидан отилиб чиқаётган садога парво қилмаётганидан фиғон чекиб уни қойиб, бу сўзидан яна қайтиб ундан раҳм-шафқат тилар, муҳаббат гулини оёқ ости қилмасликка ундарди.

ҚЎШИҚ овози булоқ суви сингари қиз дилидан отилиб чиқаркан, жилғалар мисоли атрофга йўл солиб нафосат ила йигит қулоғига чалинарди. Аввалига у думоғига муаттар ҳид анқигандек атрофга роҳатланиб алангларди, овоз эгасини ізларди. Шунда диллар бир-бирлари билан туташгандек бўлар, иккн ёш қалб учрашгани келиб, кабутар боласи сингари талпинарди.

— Гулнозим, — дерди пичирлаб Муроджон.

Қиз гўё унинг бу сўзини эшитгандек унга қўшиқ сатри билан жавоб қайтарарди:

Муродим сен эрурсан, пахлавонлар шунқори билгил.

Муроджоннинг кўнгли тоғдек юксалиб, билагида ғайрат қони тўлиб ўйнар. Гулнознинг ана шу мунофотига лойиқ иш қилгиси келиб пўлат йўрғасига минарди. Ҳозиргина қўшиқдан тўхтаган Гулноз машина гувиллиги эшитиб ўша томонга ўгирилар, рулда Муроджонни кўриб, қалбини фахр ҳисси чулғаб оларди. У шундай ҳис-туйғу оғушида берилиб пахта терар, ҳар қанча кўп терса ҳам Муроджон, «ия Гулнозим, бу жуда озку», деяётгандек бўларди. Унинг шу таъқиб қилувчи сўзи қулоқлари остида жаранглаётгани учун ҳам Гулноз севиниб кетарди. Сўнг у Муроджонни қойиган бўларди. «Намунча индамас, оғиркарвон бўлмасангиз, одамлар олдида гапиришга иймансангиз ёлғиз учрашиб қолганимизда айтинг сўзингизни. Ўзи дилингизда бирор гапингиз борми...»

Шу сўзларни кўнглидан кечираркан, Гулнознинг қўшиқдафтари яна варақланар, пахтазор узра дурдона сўзлар сочиларди. Насиба унинг соғиниш, ўпкаланиш, раҳм-шафқатга чақирувчи қўшиқ сатрларини эшитиб:

— Бечора Гулнозгинам, муҳаббат оташида кабобдек қовурилдинг, — деб ачиниб қўярди. Лекин Гулноз эса қўшиқ айтиб дилидаги ғуборни чиқарар, ўзига-ўзи далда беріб Муроджони билан умри етгунча бирга бўлишни истаб бировлар назарида юрак-бағрини тириаб қўшиқ айтгани-айтган эди.

Гулнознинг қўшиқларини эшитиб Муроджоннинг қалби симоб сингари эригандек бўлар, лекин кўзлари Гулнознинг кўзлари билан тўқнаш келганда дилидаги гаплар тилига келмай қолаеди. У Гулноз сингари ҳис-туйғуларини қўшиққа солиб айтолмас, шу сабабли Муроджон ўзини-ўзи «эҳ, тўмтоқ» дея койрди. Гулноз бунга тушунадимиз йўқми, Муроджонни шу нарса қийнарди. У баъзан Насиба ёнига бориб «дугонангизни севаман» деб айтгиси келар, бу билан бечора Насиба қизнинг кўнглини чўктиришни истамас, ўзини тўхтатиб қоларди. Насиба эса Муроджонга рўбару келганида унинг кўзларидан Гулнозга бўлган муҳаббатни, талпинишни сезиб турар, шу сабабли қўшиғига эътибор қилмаётгандек бўлиб туюлган Гулноз арқонни шарт кесаман, деган пайтда унинг кўлидаги пичоқни ирғитиб ташлар, Гулнознинг ҳавурини босиб қўярди.

ҚИЗЛАР ишга берилиб кетиб кеч кирганини ҳам сезмай қолдилар. Бир маҳал бундай қарасалар далада ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳозиргина уфқда пайдо бўлган ёруғ юлдуз кўзларини чақнатиб пахтазор юлдузларини томоша қилиб турарди.

— Ҳой ўртоқжон, кетайлик энди, — деди ҳамон пахта тераётган Гулнозни кетишга ундаб Насиба.

— Вой ўлмасам, кеч кириб қолибди-ю, — деди Гулноз атрофга жовдираб қараркан, — ўтиб кетгандира, ҳорма-бор-бўл ҳам қилмабди-я, — у ўпкаланиб Мурод томонга қараб қўйди.

Дугоналар пахталарини елкаларига ташлаб хирмон томон кетдилар. Йўлда Гулноз қўшиқ бошлаб юборди. Пахтазор қизнинг овози, оқшом суқунатини бузиб дала узра қанот ёзди. У шундай куйлардики, ҳозиргина аллақаерда чулдирашиб сайраётган қушчалар ҳам жимиб қолдилар. Нариги пайкалда дўрилдоқ овозда хиргойи қилаётган йигит ҳам қўшиғини тўхтатди.

— Овозингдан ўргилай, пахтазорим булбули, — деб қўйди Насиба Гулноз елкасидаги пахтани олаётиб, — айтиб ол, айтавер, дилинг бўшайди...

Хирмонга яқинлашганларида Гулноз қўшиқни тўхтатди. Пахтани тоширишиб уйларига йўл олишди. Дугоналар ҳар куни эрталаб ана шу муюлишда учрашишади, кечқурун шу ерда анча вақт гаплашиб туришгач хайрлашишади. Насиба тўғрига қараб кетади. Гулноз чапга бурилади.

ДУГОНАЛАР хайрлашиб иккн томонга бурилишган эди. Гулноз йигит кишининг таниш овозини эшитиб тўхтади.

— Гулноз, — деди нафаси томоғига тиқилиб Мурод.

— Муроджон ака, — деди ҳаяжонланиб Гулноз.

Улар шу бир оғиздан сўзни айтиб тўхтаб қолишди. Муроджон теварак-атрофга кўз югуртириб олгач, Гулнознинг ёнига яқинлашди ва:

— Чарчамаяпсизми, Гулноз, — деди.

Гулнознинг ёноқлари олов бўлиб кетди. Вужудида аллақандай титроқ сезди. Муроджоннинг меҳрибонлик билан айтган гапига ерга қараб турганича: «нега чарчар эканман», деб жавоб қайтарди. Бу билан у «ҳамиша сиз ёнимиздасиз, узоқроқда ишласангиз ҳам машинангизнинг овози эшитилиб турадн-ку» демоқчи эди.

Яна бироздан кейин Муроджон:

— Қўшиқларингиз менга жуда ёқади Гулноз, — деди.

— Вой ўлмасам эшитиб қолибсиз-да...

Юзларини қўллари билан ишириб аста ўгирилиб олди Гулноз. Шу пайт унинг турмаклаб қўйган қирқ кокили ёзилиб, елкаси узра ёпирилиб тушди.

— Бу ерда кўп туриб қолдик, чоғи, — деди қиз сочларини бошига қайта турмаклаб.

Мурод хушёр тортди. Дарвоқе, у Гулнозниг йўлини тўсиб, юрагидаги гапларни айтмоқчи эди-ю, у бўлса қўлдар, қош-кўз, ширмой юзларга тикилиб гапини ҳам унутибди.

— Гулноз, қачонгача шундай юраверамиз...

Мурод бу гапларни айтатуриб Гулноз ёнига ўтирилиб ерга қараб, ўртага жимлик чўкди. Анчадан кейин йигитнинг:

— Тўйни шу кузда қилсак, —деган овози эшитилди. Шунда Гулноз:

— Жуда тез-ку, деди ва қўлларини омбирдек сиқиб турган Муроднинг қўлларидан аста ажратиб кетишга отланди.

— Хўп бўлади, мен розиман, демасангиз эрталабгача ҳам қўйиб юбормайман, — деди-да қизнинг икки қўлидан ушлаб ўзига тортди. Гулноз ийманиб бошини эгиб олди. У анчадан кейин «ихтиёр ўзингизда» деди-ю, йигитнинг кўлидан чиқиб тог кийигидек сакраб, бир пасда кўздан ғойиб бўлди. Мурод жон ҳолатда «Гулноз» деб қичқириб, унинг кетидан югурмоқчи бўлган эди, орқадан одамнинг шарпасини сезиб тўхтади. У ҳали ўгрилиб қарашга улгурмасдан:

— Ҳў, тракторчи йигит, сенга ким қўйибди, ошиқ-маъшуқ бўлишни, — деган ғазабнок овозни эшитди. Муроднинг аъзойи бадани аввалига музлаб кетди, кейин миедек қизиди, томоғига бир нима тиқилди. Овоз эгасига юзланиб дарров уни танди. Қўшни колхоздаги магазинчи, Гулнозларнинг қўшниси, Собир сумалак деб ном олган кишининг ўғли Кабир эди.

— Хўш, айтчи, бизнинг ошиқ-маъшуқлигимиз нега сенга ёқмай қолди. — Муроджон унга яқинлашиб деди.

— Зўравонлигинг кетмайди, қўлингни торт! Биласанми, қиз бола зоти қорамой босган кийимни, уйнга бензин ҳидини анқитиб келган кишини ёқтирмайди, — Кабир икки қўли белида Муродни мазах қилиб сўзларди, — пахтангни тераверсангчи, нима қиласан муҳаббат йўлида куйиб-пишиб...

— Шунақами?

— Ҳа, шунақа, Гулноз менки, эрта-индин бизникилар оқ ўрашга чиқишади уларнинг...

(Давоми тўртинчи бетда).

«Политотдел» колхози марказида яна бир ҳашаматли бино қад кўтарди. Бу колхоз маблағидан қурилган «Дружба» универсал магазинидир. Яқиндагина фойдаланишга топширилган икки қаватли бу бинода колхозчилар истаган нарсаларини харид қилишлари мумкин. Суратда: универмагнинг умумий кўрниши ва савдо пайти.

А. Абдуллаев фотоси.

ОНАЛАР МИННАТДОР

«...Ўғлим Носиржон беш ойдик бўлганида оғир касал бўлиб қолди. У бетўхтов йиғларди. Иситмаси 39 даражагача чиқиб кетди. Тили чиққан бўлсаки, палон жойим оғриляпти деса. Нима бўлганини билмаймиз. Бутун онламиз ташвишга тушиб қолди. Мен тунларни бедор ўтказиб, ўғилчамнинг тепасида парвона бўлдим. Носиржонни шу касалхонага олиб келганимизда аҳволи анча оғир эди. Врачлар ўғлимнинг касали ни тез аниқлаб даволашга киришди. Уларнинг ўткир ҳунари, шифобахш қўллари шу чоққача қанчадан-қанча боланинг саломатлигини тикламаган денсиз?!

Касалхона коллективи ён атрофдаги маҳаллалар аҳолиси ўртасида турли мавзуда суҳбатлар ҳам ўтказиб туради. Бир неча маҳаллаларда «Саломатлик университети», «Бувилар мактаби», «Ёш оналар мактаби» кабилар ташкил қилинган. Бу мактабларнинг минглаб тингловчилари учун мунтазам суратда машғулотлар ўтказиб турилади. Тажрибали врачлар болаларни турли касалликлардан сақлаш учун нималар қилиш керакligи тўғрисида қимматли маслаҳатлар беришади.

Гуруч-арик, Қўштут, Чимбой, Ривож, Крупская номли ва бошқа маҳаллаларда истиқомат қилувчи оналар бу касалхона коллективидан беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Касалхона аҳоли ўртасида санитария пропагандаси ишларини олиб бориш бўйича ўтказилган конкурсда шаҳарда биринчи ўринни эгаллади. Бу коллектив Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳамда Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

„ОТА ЎҒЛИ“

Шоир Хусниддин Шарипов лирик шеърлари, «Қуёшга ошиқман», «Изма-из», «Бог кўча болалари» достонлари билан поэзия шинаандаларини мафтун этган эди. Яқинда у кишиларнинг бир-бирига садоқати, бурчини тараннум этувчи «Ота ўғли» номли лирик музикали драма ёзди. Бу асарни Мукимий номли ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи саҳналаштирди. Мазкур асарга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. Содиқов билан Б. Гиенко музика ёзган. Ёш режиссёр Абдурашид Раҳимов асарни постановка қилган. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Визель спектаклга декорация ва безаклар яратган. Яқинда ана шу спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

Ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Юнусов, Т. Жаъфарова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлардан С. Пўлатов, Б. Ихтиёров, О. Фаёзова, О. Толипов, Ҳ. Умаров ва театрнинг бошқа ёш артистлари ижро этишади. Томошабинлар бу янги асарни самимий кутиб олдилар.

Ф. ҒОЙИБОВ.

ЧАРОҒОН ВА ОБОД

Пойтахтимиздаги Уста Ширин, Кисловодск кўчалари серқатнов. Кўшни Қозоғистон республикасининг Чимкент областига ҳам шу ердан ўтилади. Бироқ турнақатор бўлиб қатнайдиган машиналар, пиёда йўловчилар учун кейинги вақтларда бу кўчалар торлик қилиб қолган эди.

Киров район Совети шу кўчаларни кенгайтириш ва ободонлаштириш тадбирларини белгилади. 5 километр узунликдаги Уста Ширин кўчаси ҳар икки томондан анча кенгайтирилди, текисланиб, асфальт ётқизилди. Ариқлар тозаланиб, цемент қўйилди. Столбалардаги лампочкалар ўрнини тунда ҳам кундузгидек ёруғлик берадиган чироқлар эгаллади. Ҳозир кўча бўйлаб гулзор барпо қилиш тараддуди кўриляпти. Кисловодск кўчасини ҳам кенгайтириш ишлари жадаллаштирилмоқда.

Н. ФАТТОХОВ.

«Тбилиси чироқлари» ансамбли артистларининг пойтахтимизда кўрсатаётган томошалари қизиқарли ўтмоқда. Грузиялик меҳмонлар ижро этаётган шўх рақс ва қувноқ қўшиқлар санъат шинавандаларига манзур бўлмоқда. Суратда: ансамбль артистларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

ДИЛ ҚУШИГИ

(Боши учинчи бетда.

Мурод шу топда Кабирни қулочкашлаб уриб юбормоқчи эди, эртага оқ ўрашга чиқишади, деган гапни эшитиб, ҳавога кўтарилган қўллари бўшашди. «Балки, икки ўртада келишилгандир», бу гаплар унинг қалбини яшиндек тешиб ўтди. «Демак, Гулнознинг кўшиқлари, бояги ширин сўзлари, ихтиёр ўзингизда, дейишлари анчаки мени юпатиш учун қилинаётган устомонлик экан-да...»

Мурод чироғ ёруғида тиржайиб турган Кабирга бир ўқрайди-ю, уйи томон кетди. У Кабирнинг:

— Ҳа, ошиқу-беқарор, энди бу кўчага ўйлашиб келасан, — деган гапларини ҳам писанд қилмади чунки у бу пайт ҳеч нарсани эшитмас, қулоқлари тагида аллақандай товушлар гувиллар, боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлиб борарди.

БУ КЕЧА Мурод безовта ухлади. Кўзини юмса, Гулноз ашула айтиб турган ҳолда кўринади-ю, сал ўтмай аллақандай қанотли машинага чиқиб, бир пастда кўздан ғойиб бўлади. У ҳам машинага ўтиришга кетидан қувлайди, етолмай халлослайди, терга ботиб уйғониб кетади. Яна, уйқу элтиб кўз юмади, колхоз идораси олдида пайдо бўлиб қолади. Бу ерда одамлар тўпланган бўлиб, ҳамма ҳурмат тахтага тикилган ҳолда кўринади. Кўпчилик тахтага зарҳал билан ёзиб қўйилган илгорлар фамилиясини ўқийди. Улар орасида Мурод кўринмайди. Шу пайт Гулноз Кабир билан бирга улар ёнидан ўтиб кетади. Мурода қайриліб ҳам қарамайди. Мурод улар кетидан анча жойгача югуриб боради, йўлдаги ариқдан сакраётганда оёғи тойиб, кетиб, чўчиб тушади, уйғониб кетади...

Шу алпозда у тўлгониб тонг оттиради. Кўзларига қум селгандай ачишиб ўрнидан туради. Нонушта вақтида онаси кўриб ҳайрон бўлади:

— Ҳа болагинам, нима бўлди сенга, бирор еринг оғриятпимі? — дейди у сомондек сарғайиб кетган ўғлига термулиб.

— Йўқ онажон, ўзим шундай, — Мурод бўлак гапиролмайди, лаблари пирпираб, кўзлари қизариб ўрнидан туради, чой ҳам ўтмайди ундан.

Аранг-додини кимга айтсин у шу топда, бева қолган онасининг юрагини эзиб нима ҳам дерди. Ахир она бечора доим: «Гулнозхон билан юлдузларинг бир», деб ўғлининг кўнглини қувонтирар, тўйни шу йил кузда қиламиз, деб қўни-қўшнилар орасида катта кетиб қўйган эди. Борди-ю, бу гапларни эшитса, қаловлаб, ўзини йўқотиб қўймайдими...

Мурод икки тошнинг орасида қолган эди. Бир томондан Гулнознинг устомонлиги унинг қалбини эзса, иккинчидан бу воқеадан хабар топгач онанинг дили чил-парчин бўлишини эслаб ўртанарди.

ҚАЛБИ тимдаланган, асаби ҳўбетоқат Мурод тўппа-тўғри Гулнозлар ишлаётган далага келди. Қизлар ҳар куни ундан ёқимли сўзларни эшитишга одатланганлари учун бугун ҳам шундай муомалани кутиб турардилар. Мурод бунинг ўрнига:

— Гулнозхон, иш битган эканку, нима қилардингиз биз бесўрани умидвор қилиб, — деди ҳанг-манг бўлиб қараб турган қизга тик қараб...

— Нималар деяпсиз, Муроджон ака, — деди Гулнознинг овози титраб ва нахш олмадек қизил юзлари докадек оқариб кетди.

— Эртага оқ ўрашга чиқишаркан-ку, Кабирнинг уйидагилар...

— Оқ ўрашга... Кабирнинг уйидагилар! — Гулнознинг шахло кўзлари саросимадан яна ҳам каттароқ очилди. Пешанасига тўзғиб тушган соч толалари тер маржонларида намланиб ёноқларига ёпишди, аммо қиз буни сезмас, гоҳ Муродга, гоҳ Насибага мўлтираб қараб қўярди.

— Ким айтди сизга бу шум хабарни, — Насиба бир қадам олдинга юриб Муродга яқинлашди, — бечорани эзиб ташладингиз-ку. Ҳозиргина сизнинг кечаги гапларингизни айтиб севинаётган эди. Сиз бўлсангиз...

— Ахир, Кабир...

— Тилингизга олманг унинг номини... — Гулноз даргазаб оҳангда унинг сўзини бўлди.

Мурод довдираб қолди. У ҳушини йиғиб Кабирнинг ошга пашша ташламоқчи бўлганини пайқади. Гапнинг тагига етмай бечора Гулнознинг кўз ёшини тўкишга мажбур этгани учун юраги ачишиб кетди. «Нима қилиб қўйдим», деди у юраги қисилган ҳолда пичирлаб. Энди бу ёғи расво бўлдику...

Мурод хомуш қиёфада қизлардан нарироқда қотиб турарди. У атрофга аланглаб қараётган бўлса ҳам кўз олдилари пардаланиб, ҳеч нарсани кўрмасди. Уни бу ҳолатдан Насиба қутқарди.

— Мен сизни шунчаликсиз деб ўйламаган эдим, Мурод ака, — Насиба ранжиган ўпкалаган оҳангда сўзларди, — суриштирмай-нетмай дилини яраладингиз-а...

— Насибахон, хўш, нима қилай энди? — Мурод унга нажот истаб тикилди.

— Нима қилай эмиш, боринг, кетаверинг, эртага гаплашамиз...

Насиба гап тамом дегандек этагини боғлаб қатор оралаб ишида давом этди. Мурод Гулноз томонга тикилди, у бошини кўтармай пахта термоқда эди. Ҳар куни ўйнаб кулиб, булбулдек сайраб пахта терадиган Гулноз қўшиқ айтмаётгани учун Муроднинг назарида дала ҳувиллаб қолгандек эди. У оёқларини сургаб боғсан ҳолда машинаси турган далага кетди.

ИККИ ЁШ қалбининг ороми бузилган эди. Кечагина бир-бирларига кулиб боққан, бир-бирларининг висолига қўшдек таллиниб турадиган, бир кун овозларини эшитишмаса, кўришишмаса соғинишиб қоладиган Гулноз билан Мурод ўртасига тов тушганди.

Насиба ҳам ташвишда қолган эди. Бир гапириб ўн кулдиган, кўли ишда-ю, тили қўшиқ куйлайдиган севимли дугонаси Гулноз хомуш. Насиба далда берса ҳам, айланиб-ўргилса ҳам ёзилмасди. У тушликка чиқишганда Гулнознинг овқатини ҳам суриб қўйиб, одамлардан чекароқда ўтирганини, киприкларини намланганини кўриб юраги ачишиб кетди-ю, аммо сирни бой бермай дўқ қилишга ўтди:

— Шу ҳам бир-бирини севишми, сизларга ҳайронман, униси гапнинг адабини бериб кўйиш ўрнига кўз ёши қилиб ўтирибди. Айтмайсанми, ўша йигитлар шунқори, деб мақтайдиган Муроджон акангга, намунча шалвирамасе. Кабирга айтмайдими, Гулноз меники, деб. Ёки тилингда Муродни, дилингда Кабирни дейсанми?!

— Ярамга туз сепма, бети қурсин ўша Кабирнинг....

— Менга нега айтасан бу гапингни, Муроджон акангга айт!

— Нима, айтолмайманми?

— Севишинг рост бўлса айтасан! — Насиба Гулнозга бундоқ разм солса кўзлари жовдираб, яноқлари бўртиб қизариб кетган эди. У фурсатни қўлдан бермаслик учун:

— Хўп десанг, бугун кечқурун Муроджон акамлар...

Насибанинг гапи тугамай Гулноз «нега йўқ деп эканман» деди-ю, юзларида жилмайиш сезилди. Насиба ўзини енгил ҳис қилди.

Мурод эса бу пайт кечаги, бугун эрталабки воқеалар оғушида куйиб-ёнар. Гулнозгинасини беўрин ранжитиб қўйганлиги важидан ич-этини еб юборгудек қийналарди. У Насиба айтмоқчи жуда лапашанглик қилди, кўлидаги гулини биров «бу меники» деб тортиб олмоқчи бўлибди-ю, у бўлса қаршилик кўрсатиш ўрнига эҳрини бечора қизга сочмоқчи бўлиб юрибди. Эҳ мен хом калла...

Насибанинг қиноя аралаш узиб олгани Муроднинг уёқ-буёғидан ўтиб кетган эди. Шунинг учун у ўзини қойиб, қилиб қўйган ишига ачиниб ўтирмади, ишдан кейин Кабирни қидириб топди. Ҳамма гапни йиғиб унга заҳрини тўкди. Кабир тилёғламалик қилишга ўтган эди, ҳовурини пасайтириб қўйди. Мурод кетаётиб:

— Муҳаббат пулга сотиладиган вақтлар ўтиб кетган, тушундингми?! Қани Гулнознинг номини тилингга олиб кўрчи!

Қути ўчган Кабир магазин айвонидаги устунга суялганча лаблари пир-пираб қотиб турарди...

Мурод кечқурун Насиба ва Гулнозга шулар ҳақида кулакула айтиб берди. Қизлар ҳам кулишди. Насиба ҳазиллашиб:

— Хўп юрак ютибсизда. Муроджон ака, — деди. Қаҳ-қаҳа кўтарилди. Мурод ерга қараді Гулноз лабини тишлаб Насибага маъноли боқди.

Кўнгиллар равшан тортди. Аллақаердан келаётган соя рўпарадан келган нурга барҳам беролмай чекинди, ҳаммаёқ чироғон бўлиб кетди.

Мурод Гулнознинг овозини яна эшиткаркан, кўксига ҳаётбахш шабода теккандек ҳис қилди.

ЭРТАСИГА эрталаб Мурод ишга кетаётиб ўзига таниш сўмқоқдан юрди.

Дугоналар қаноғга пахта солаётиб рўпарада келаётган Мурода ер остидан қараб туришарди. У қизларнинг таъқибидан хабарсиз «ҳорма-бор бўл» қилди, кейин:

— Қизлар пахтани ашула айтиб тергучи эди, — деб ҳазиллашди.

— Эшитмабсизда Муроджон ака, — деди Насиба чимириліб.

— Ашула тоқ бўлмайди, жуфт бўлади Насибахон, — унинг сўзини бўлди Мурод.

Қизлар бир-бирларига қараб кўйишди. Ҳижолатдан чиқиш учун яна Насиба деди:

— Тингловчимиз қандай ашуланы истайдилар?

— Қанақасини бўларди, ўша Муродим... деб бошланадиганини-да...

— Хаха, юрагингиздан урган эканда! — Насиба қаҳ-қаҳ уриб кулди. Гулнознинг юзлари чўғ бўлиб ёнди, ерга қараб олди. Мурод эса гул ошгуи булбул мисоли бу ердан бир қадам силжигуси келмай Гулнозга тикилганча оғзининг таноби қочиб қотиб турарди.

Кўшни пайкалда машинанинг кучли «пат-пат» этган овози эшитилмаганда, ким билади Мурод ўзини ҳам, қизларни ҳам ишдан қолдириб қачонгача бу ерда туриб қолган бўларди. У машина овозидан ишга бориши зарурлигини сезиб, ўзини ўнглаги ва қизларга уч норма пахта теришни тилаб, улардан узоқлашди.

— Ҳар куни эшитарканда ўртоқжон мен бўлсам...

Гулноз бир тўлганиб кўкрагига тушган майда ўрим сочларини орқасига ташлади.

— Сенинг дилингдан чиқади-ю, Муроджон акамлар эшитмай қўядиларми! — Шу пайт Насибанинг Гулнозга ҳаваси келиб кетди.

Салдан кейин қизнинг кўнгироқ овози жаранглади:

— Муродим сен эрурсан...

С. МАҲКАМОВ.

ПЛАСТИНКАДА — ҲИКОЯЛАР

Тошкентдаги пластинкаларга овоз ёзиб олиш студиясининг янги йил режалари катта. Ўтган йиллардагидек бу йил ҳам СССР халкларининг куй ва қўшиқлари ёзиб олинган пластинкалар кўплаб чиқарилади. Сўнгги пайтларда саҳна асарларини ёзиб олиш кенг йўлга қўйилди. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музикали драмаси пластинкалари ҳаммага манзур бўлди.

Студия коллективи санъат шинавандалари учун янги совғалар тайёрламоқда. Тез кунда «Нурхон» ва «Икки билакузук» спектаклари Мукимий номидаги музикали комедия театри артистлари ижросида ёзиб олинади.

Шу кунларда Ҳамза номли Ўзбек давлат Академик драма театри ижодкорлари Шекспирнинг «Қирол Лир» пьесасини саҳналаштирмоқда. Шекспирнинг бу машҳур асарини ўзбек артистлари ижросида эшитишни истаган кишилар мазкур драма ёзиб олинган пластинкаларни сотиб олишлари мумкин.

Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри томошабинларга тақдим этаётган янги асарлар ҳам пластинкага олинади. Булар орасида М. Ашрафийнинг «Она меҳри», С. Ҳайитбоевнинг «Ленин ҳақида баллада» опералари ва бошқалар бор.

«Олтин саҳифалар» циклида чиқадиган пластинкалар айниқса диққатга сазовор. Таниқли сўз устаси Мухсин Ҳамидов томонидан ўқилган Пушкин, Лермонтов ва Маяковскийларнинг шеърлари ҳам пластинка қилиб босиб чиқарилади.

Таниқли санъаткордар — Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимовларнинг турли асарлардан ёзиб олинган монологлари ҳам кўпчилика маъқул бўлади.

Студия тагин бир янгилик бошлаш ниятида. Ғафур Ғулом, Ўйғун, М. Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби шоирларнинг шеърлари авторлар томонидан ўқилади ва пластинкага ёзиб олинади. Абдулла Қаҳҳор, Саид Ахмад ҳикоялари ҳам алоҳида пластинка бўлиб чиқади. Шунингдек Қуддус Муҳаммадий, С. Абдуқаҳҳор каби шоирларнинг шеър ва ҳикоялари Ўзбекистон ССР халқ артисти Соиб Хўжаев, республикада хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров кабилар томонидан ўқилиб, пластинкага ёзиб олинади. Шундай қилиб, тингловчилар фақат санъат асарлари эмас, адабиёт асарларини ҳам истаган пайтда эшита оладиган бўладилар.

Студия бундан кейин ҳам янгидан-янги асарларни санъат ва адабиёт шинавандаларига тақдим этиш ниятида.

М. ЗАРИПОВ.

ТУЗАТИШ

Газетанинг шу йил 18 январдаги сонининг иккинчи бетида «Кадрлар — олтин фондимиз» сарлавҳали мақоланинг энг сўнгги абзаци қуйидагича ўқилсин: «Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб И. К. Хуснидинов, иккинчи секретари қилиб Б. Аббосов, шаҳар партия комитети секретари қилиб Р. М. Солихова ўртоқлар сайландилар». Хатога йўл қўйган редакция ходимига маъмурий чора кўрилди.

ҚАЙТА ТИРИЛГАН БАЛИҚ

Иркутскда яшовчи аёл Мария Князева янги йил дастурхонига широг тайёрлаш мақсадида бозордан музлаган лаққа балиқ сотиб олди. Балиқ жуда ҳам қаттиқ эди. Мария балиқни эритиш учун сувга солиб қўйди. Орадан бир неча соат ўтгач, сувдаги балиқ аввалига мўйловларини, сўнгра қулоғини қимирлатди. Кейин эса думи билан тез харакат қилабошлади. Князевлар оиласи буни кўриб қанчалик ҳайжонланганини билсангиз эди. Лаққа балиқни ваннага солиб қўйишди. Музлатилганда бир неча жойидан шикастланган балиқ қайта тирилиб яшайбошлади. Балиқ «иккинчи» ҳаётининг бешинчи кунида унга шунчалик жон кирдики, қўлда ушлаб туриш жуда қийин эди.

Янги йилдан бошлаб чиқаётган «Восточно-Сибирская правда» газетасининг дастлабки номерларида ана шу ҳақда хабар босилиб чиқди. Газетхонлар — бу хабарни янги йил ҳазили тариқасида қабул қилмасинлар деб редакция Иркутск давлат университетининг биология-география илмий текшириш институтининг директори, фан кандидати Михаил Асхаевдан бу воқеани шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Балиқларнинг айрим турлари, — деб ҳикоя қилди директор, — шимолий дарёларда, муз тагида қишлайдилар. Аммо Князевлар оиласида содир бўлган бу воқеа узоқ яшайдиган ва сувсиз бир қанча дақиқа ҳаёт кечираоладиган лаққа балиқлар ҳаётида жуда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Бу балиқ қаерда ушлангани аниқ эмас. Фақат уни Иркутскдан унча узоқ бўлмаган жойда ушлашган деб тахмин қилиш мумкин. Амурдаги лаққа балиқлар ўттизинчи йилларда Чита областидаги Арахлей кўлиги қўйиб юборилган эди. Бу балиқлар Байқал ҳавзасида пажот топиб урчиган ва кўпайиб қолган, ҳатто, Иркутскдаги сунъий сув омборигача тарқалган. (АПН).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 19 ЯНВАРЬ 1966 ЙИЛ

„ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ“ ГАЗЕТАСИ ЎН ЁШГА ТЎЛДИ

Республика маданият министрлиги ва ёзувчилар союзининг органи «Ўзбекистон маданияти» газетаси ўн йилдан буён ўз газетхонларини ёзувчилар, композиторлар, рассомларнинг янги асарлари билан таништириб келмоқда, маданий ҳаёт воқеалари тўғрисида ҳикоя қилмоқда. Газетанинг ўн йил ичида босилиб чиққан бир мингдан ортиқ сони ўз газетхонларини эстетик рухда тарбиялашга, уларнинг бадиий таъбини шакллантиришда катта роль ўйнади.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг вакиллари 17 январда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг маросимлар залида газета юбилейига бағишланган тантанали кечага тўпланишди.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг бош редактори Л. Қаюмов газетанинг ўн йил ичидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Ўзбекистон жамоатчилиги ва ижодий союзларнинг вакиллари юбиляр газета редакциясини самимий табрикладилар. (ЎзТАГ).

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Юлдузча** (тележурнал), 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.00 — **Шингил қиноялар**, 19.30 — **Пахтанинг янги навлари учун** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.50 — **Халқ чолғу оркестри учун асарлар**, 20.30 — **Эшитиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Уртоқ Арсений** (бадиий фильм), 22.15 — **Концерт** (Ангрен ГРЭС бадиий ҳаваскорлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Така ҳақида** (болалар учун қўғирчоқ фильм), 18.25 — **Тошкент янгиликлари**, 18.35 — **Прага интермеццо** (концерт), 19.15 — **Шухрат** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Дўстлик трассасида** («Ёшлик» студияси), 21.00 — **Тошкент янгиликлари**, 21.10 — **Кўк дафтар** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Оққуш нўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Қутлуғ қон**, 20/I да **Ўғирланган умр**.

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Ишқинг билан**, 20/I да **Нодира**.

КИНО

Бугун ва эртага соатида — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Афина атрофида — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кун ва соат — «ИСКРА», «МОСКВА», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечкурун).

«Аврора» залпи — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи
ВЛАДИМИР БОРИСОВ
қўл остида
„АРСЛОНЛАР“ АТТРАКЦИОНИ
«ЮНОСТЬ» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИ ТОМОШАЛАРИ.
Кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади
20 январда
ПРЕМЬЕРА
Рашид Ҳамроев музикаси
Зулматдан зиё
3 пардали опера.
Туроб Тўла либреттоси (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида)
Дириженр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ф. Шамсиддинов**, постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **М. Муҳамедов**, хормейстерлар — **Л. Шамшин, С. Шодмонов**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **М. Мусаев**, рақсларни саҳнага қўювчи — СССР халқ артисти **М. Турғунбоева**.
Спектакль кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Тошкент область ижроия комитетининг савдо бошқармаси коллективи йиғилиб-ўлторг директори ўртоқ И. М. Муҳамедовга онаси
Ҳожира НУРМУҲАМЕДОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08054. ИНДЕКС 64969 Г—1034.